



MILLIY TIKLANISH

16 (500) ● 2018 йил 18 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ИҚТИСОДИЁТДА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 апрель кuni иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоб тизimini такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидagi қардорликларни камайтириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида назорат ва ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, жавобгарликни кучайтириш, ижро иши

юретишнинг самарадорлигини тубдан ошириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, тўлов интизомини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юретиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармониға мувофиқ, бу борада янги тизим яратилди. Ўзбеки-

стон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди. Бу соҳада тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммоларни бартараф этиш борасида муҳим қадам бўлди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари узоқ йиллардан бери ҳисоб-китоб тизимиға эътибор қаратилмай келингани, иқтисодиёт тармоқларида пул оқимлари самарасиз бошқарилгани ва номуносиб тақсимлангани оқибатида қардорлик ҳолатлари кўпайиб кетганини таъкидлади.

Буни бартараф этиш бўйича сўнгги вақтларда қатор чоралар кўрилди.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқлари молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида "Ўзбекнефтегаз" ва "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятларининг умидсиз дебитор қарзлари ҳисобдан чиқарилди. "Ўзагрохимёхимоя" акциядорлик жамиятининг кредитор қардорликлари бюджет сусдалари орқали камайтирилди.

Иқтисодиёт тармоқларини ёқилги-мойлаш маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун нефтни қайта ишлаш корхоналарини молиявий соғломлаштириш мақсадида салмоқли маблағлар ажратилди.

2-бет

КЎЗБЎЯМАЧИЛИККА УРИНГАН РАҲБАРЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 апрель кuni Сирдарё вилояти фаоллари билан йиғилишида вилоятларга сафарлар олдидан ижтимоий соҳа ходимларининг ободонлаштириш ишларига жалб этилаётгани, айрим жойларда кўзбўямачиликка йўл қўйилаётганини жиддий танқид қилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ҳузуридаги Пресс-холлда шу масалаға оид брифинг ўтказилди. Унда Президент Матбуот котиби Комил Алламжонов давлатимиз раҳбарининг танқиддан кейин кўрилатган чоралар ҳақида маълумот берди.

— Президент бундай ҳолатлар яна қайтарилмаслиги учун ҳуқуқий механизм яратиш бўйича топшириқлар берди. Топшириққа кўра, аҳолини, айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ходимлари, талабаларни ободонлаштириш ишларига жалб этишни қатъий тақиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ишлаб чиқилади, — деди К.Алламжонов. — Ушбу қарорда жойлардаги ободонлаштириш хизматлари фаолиятини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ҳам акс этади. Бунда хорижий давлатларнинг тажрибаси ҳам инобатга олинади.

Брифингга фуқароларни жамоат ишларига мажбурлаш ҳолатлари яна кузатилса, Президентимиз таъкидлаганидек, жазо қаттиқ бўлиши, жумладан, жиноий жавобгарликка бўлган чоралар кўрилиши маълум қилинди.

Алоҳида қайд этилганидек, Президент

бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Бош прокуратура олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйган. Самарқандлик ўқитувчи Диана Еникееванинг бевақт ўлимиға сабабчи бўлган мансабдор шахсларни юридик жавобгарликка тортиш бўйича топшириқлар берган. Ҳозирда бу ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.

Сирдарё вилояти фаоллари билан ўтган йиғилишда Шавкат Мирзиёев жойлардаги кўзбўямачилик ҳолатларидан ҳам норозилигини билдирган эди. Шундан келиб чиқиб, ҳўжакўрсин ишлар юзасидан прокурорлик текшируви ўтказиш бўйича кўрсатма берилган. Давлатимиз раҳбари яна шундай кўзбўямачилик ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида доимий ва қатъий назорат ўрнатиш зарурлигини таъкидлаган. Эндиликда кўзбўямачиликка уринган ёки бунинг олдини олмаган раҳбарлар қаттиқ жазоланади.

Брифингда Президентимиз берган топшириқлар ижроси, айбдорларнинг жазолангани ҳақида оммавий ахборот воситалари, жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги медиа-марказ орқали хабарлар бериб борилиши таъкидланди.

Улуғбек АСРОРОВ,

ЎЗА МУХБИРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ҲЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда қишлоқ ва сув ҳўжалигини ривожлантириш учун зарур иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бозор муносабатлари механизмларини жорий қилишда фермер ҳўжаликлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги тармоғининг жадал ривожланиши, ўз навбатида, сув ресурслари истеъмолининг ортиб боришиға олиб келади, ушбу ҳолат юзаға келаётган қақирув ва хатарларға нисбатан ўз вақтида чоралар кўрилмаган тақдирда, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашға салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқаруви соҳасида узоқ

вақт давомида ҳал этилмаган келаётган тизимли муаммоларнинг мавжудлиги мазкур ҳолатни янада кучайтирмоқда, жумладан:

биринчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини ваколатли органлар ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизми тарқоқ ҳолда режалаштириш ва таъминлаш қабул қилинаётган қарорлар ҳамда аниқ натижаларға эришиш учун жавобгарликнинг сусайишиға олиб келмоқда;

иккинчидан, қишлоқ ва сув ҳўжалигида узоқ муддатли пухта сиёсатнинг шакллантирилмаганлиги сабабли мазкур соҳаларни янада ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари белгиланмаган;

учинчидан, юзаға келаётган муаммолар бўйича тезкор қарорлар қабул қилишда ваколатли органлар-

нинг самарали мувофиқлаштирувчи роли ва ташаббускорлиги мавжуд эмас;

тўртинчидан, масъул идоралар томонидан ҳаққоний ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва алмашиш механизмларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли ўзларига юклатилган вазифалар самарасиз амалға оширилмоқда;

бешинчидан, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда сув истеъмоли соҳаларида мустақил назорат мавжуд эмас, бунинг натижасида тармоқларни модернизация қилиш ва техник жиҳозлаш ишларига етарлича эътибор қаратилмаётти, инновацион технологиялар ва ишланмаларни жорий қилиш даражаси пастлигиға қолмоқда.

2-бет

Ўқув-семинар

ҚОНУНЛАР ҲАЁТИЙ ВА ХАЛҚЧИЛ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

БУНИНГ УЧУН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРЛИГИ ЗАРУР



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси "Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлигини таъминлашнинг замонавий усул ва воситалари" мавзусида ўқув-семинар ташкил этди. Унда партиянинг Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

4-бет

Фракция позицияси

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётиға дахлдор бўлган қатор қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳалари қуий палата мажлисиға қадар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам кўриб чиқилди, фракция аъзолари уларни партия дастурий вазифалари ҳамда электорат манфаатлари нуқтаи назаридан муҳокама қилиб, ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирди.

4-бет



Маданият алифбоси

КИЙИМИ ЙИРТИҚНИНГ МАЪНАВИЯТИ БУТУН БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон миллий матолар тайёрлаш, тўқимачилик борасида қадимий анғаналарға эза. Юртимизда бой меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш, янада бойитиш ва ривожлантириш, келгуси авлодларға бусе-бутун етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалға оширилаёттир. Айниқса, миллий хунармандлик тез суръатларда ривожланиб, қўл меҳнатидан яралган буюмлар, миллий каштачилик санъати негизида тайёрланган либослар, миллий андозадаги кийим-кечаклар урфға айланмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ёш авлодни турли мафкуравий таҳдидлардан асраш, ватанпарварлик, истиклол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизға ҳурмат руҳида тарбиялашда ёшларда миллий либосларимизға ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш, кийиниш маданиятини юксалтиришнинг ўрни ва аҳамияти ғоят катта. Тўғри, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмагани каби ёшларнинг кийинишға, кийим танлашға, модаға бўлган эътибори, эҳтиёжи ва талаби бутунлай ўзгарган. Бугун уларнинг кийиниши, пардоз-андози тамомила бошқача.

5-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишиға хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!



газетамизға обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

ИҚТИСОДИЁТДА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Солиқларни тақсимлаш тизими қайта қўриб чиқиши орқали нефтни қайта ишлаш корхоналари ихтиёрида йилга 670 миллиард сўм, электр станциялари ҳисобида 100 миллиард сўм маблағ қўрилди.

Фермер хўжаликлари бир неча марта тугатилиши ва қайта ташкил этилиши ҳисобида тижорат банклари йўқотган ликвидликни қоплаш учун маблағ йўналтирилди.

Монопол корхоналарнинг юқори ликвидлиги 27 турдаги маҳсулотларини фақат электрон биржа савдоси орқали ички бозорга сотиш механизми йўлга қўйилди, давлат томонидан уларнинг нарҳини декларация қилиш тартиби бекор қилинди.

Бироқ, шунга қарамайдан, жорий йил 1 март ҳолатига кўра, иқтисодиёт тармоқларида жами дебитор ва кредитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан мос равишда 16 фоиз ва 13 фоизга ошган. Муддати ўтган дебитор қарздорлик йил бошига нисбатан

60 фоизга камайишига эришилган бўлса-да, ўтган йилги қарздорликдан 2,7 баробар кўп.

Жами дебитор қарздорликнинг салмоқли қисми ёқилғи-энергетика комплексига тўғри келмоқда. Ушбу соҳадаги дебитор қарздорлик йил бошига нисбатан 16 фоизга ошгани кузатилган. Машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш комплексига 13,7 фоизга, қурилиш ва транспорт масалалари комплексига 20 фоизга ошган.

Биргина "Ўзбекнефтегаз" ва "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамиятлари тизимида муддати ўтган дебитор қарздорлик 460 миллиард сўмга етган. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятида 341 миллиард сўмлик муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлган. "Ўзавтосаноат", "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятларида ҳам дебитор қарздорлик юқорилигича қолмоқда.

— Бирор ташкилотга қарздор бўлишнинг, у ишни ҳисоб-қитоб тизимини тартибга солишдан бошлаши керак. Бизда эса аксинча, техник-иқтисодий томони билан шуғулланишга киришади.

Иқтисодиётда қарздорликларни камайитириш бўйича тизимни ўзгартириш даври келди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжалиklarининг солиқ борасидаги қарздорлигини ҳам камайитириш зарурлигига эътибор қаратди. Чунки машина-трактор парклари томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширишнинг жорий механизми таъсирида фермер хўжалиklarининг "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти олдидаги қарздорлиги ошиб бормоқда.

Солиқ ва кадастр идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик самарали йўлга қўйилмагани оқибатида солиқ идоралари базасида 212 минг гектар ерга эга 3 минг 247 фермер хўжалиги ҳақидаги маълумот мавжуд эмас, кадастр идораларида рўйхатга олинган 405 минг 508 турар ва нотурар жой объекти солиқ идораларида ҳисобга олинмаган. Бунинг оқибатида бюджетга ягона ер солиғи бўйича 1,8 миллиард сўм тушмасдан қолган.

Ҳозирги кунга қадар 1 миллион 100 мингдан

ортиқ турар жойларнинг кадастр ҳужжатлари мавжуд эмас ва бу объектлар солиқ базасида ҳисобга олинмасдан келмоқда.

Жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан солиқ қарздорлиги ҳам юқори.

Ўз навбатида, 2015-2017 йилларда корхоналарга солиқ имтиёзлари асосиз тақдим қилинган натижасида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга 49,2 миллиард сўм ундирилмаган. Бундан ташқари, божхона оморларида 90,5 миллион долларлик товарлар 3 йилдан ортиқ муддат давомида сақлаб келинмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг аниқ ҳисоби ҳанузгача мавжуд эмаслиги, давлат идоралари ўртасида электрон ҳамкорлик ва маълумот алмасуви йўлга қўйилмагани, солиқ, божхона назорати тизими етарлича тартибга солинмагани, қарздорликни ундириш тизими самарасизлиги, мазкур соҳада ўрнатилган жавобгарлик чоралари мансабдор

шахслар ва фуқароларнинг тўлов интизомига сўзсиз риоя этиш борасидаги маъсулиятини ошириш учун етарли эмаслиги ушбу қарздорликлар келиб чиқишининг асл сабаблари ҳисобланади.

Йилгилида Президентимиз Бош вазир ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни қисқартириш, туман, вилоят ва республика даражасида солиқ органлари, банклар, хизмат кўрсатувчи ва бошқа идоралар ўртасида ҳар ой якуни бўйича ўзаро қарздорлик ҳолатини солиштириб бориш тизимини жорий этиш, солиштирилган асосида қарздорлик аҳволини Вазирлар Маҳкамаси комплексларида ҳар ойда жиддий муҳокама қилиш, давлат идоралари ўртасида электрон ҳамкорлик ва маълумот алмасуви йўлга қўйиш борасидаги ишларни жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳаларида ҳақиқий ҳолатни ва ривожланиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш асосида уларни стратегик режалаштириш сиёсати бўйича таъсирчан ишларни йўлга қўйиш, мазкур йўналишлар бўйича бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5330-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйдагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида тармоқни комплекс модернизация қилишга, қишлоқ хўжалигида фан ва техника ютуқларини, ресурсларни тежайдиган замонавий ва интенсив агротехнологияларни, илғор тажрибаларни жорий қилишга йўналтирилган ягона сиёсатни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодиёт тармоқлари экспорт салоҳиятини ошириш, бозор конъюнктураси юзасидан чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хорижий инвестициялар ва бегараз техник кўмак маблағларини (грантлар) жалб қилиш;

аҳолини йил давомида ва узлуксиз равишда барқарор нархларда таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантиришни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, давлат-хусусий шериклиги механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантиришни таъминлаш;

қишлоқ хўжалигини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ва даромадларини ошириш, ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарор даражасини сақлаб қолишга йўналтирилган комплекс мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш;

таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тизимли асосда узвий интеграциялаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эътиборларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

3. Куйдагилар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ҳамда оқилона таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

ирригация ва мелиорация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш;

сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари маъсулиятини ошириш, уларнинг сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш;

сув хўжалиги соҳасида фан ва техника ютуқлари, замонавий

сув тежовчи технологиялар, илғор тажрибалар, сув хўжалигини ва сувдан фойдаланишни бошқариш тизимида инновацион услубларни жорий қилиш;

сув хўжалиги соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш;

трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағларини (грантлар) жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш.

4. Куйдагилар: агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати, мазкур соҳада қонун ҳужжатлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаблари ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлигини устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги уринларда Инспекция деб уриналиши);

2018 йил 1 июлдан Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича марказ негизда лойиҳалар, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш учун масъул бўлган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси таркибига кирувчи Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги уринларда Агентлик) ташкил этилсин.

Агентлик Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича марказнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. 2018 йил 1 августдан куйдагилар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси;

Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси;

Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси;

"Ўзсувназорат" республика сув инспекцияси;

"Ўздавуруғназоратмарказ" қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертифицициялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тугатилаётган идора ва муассасалар ходимлари бандлигини таъминлашга кўмаклашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инспекция билан биргаликда икки ой муддатда Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекциясининг вазифа ҳамда функцияларини қайта тақсимлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" АЖ ва "Ўздонмаҳсулот" АКнинг: ғўза уруғчилиги республика маркази ва Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика маркази негизда, уруғликлар, шу жумладан, пахта ва бошоқли дон экинлари уруғларини тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона ва замонавий тизимини шакллантириш учун масъул бўлган Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказини ташкил этиш;

уруғлик тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларда уруғлик олиш мақсадида етиштирилган пахта ва бошоқли дон экинларини кейинчилик алоҳида сақлаш шарти билан қайта ишлаш тартибини жорий қилиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ўзпахтасаноат" АЖ ва "Ўздонмаҳсулот" АК билан биргаликда икки ой муддатда уруғлик тайёрлаш бўйича алоҳида ташкилотларнинг, цех ва омборларнинг пахта ҳамда бошоқли дон экинлари уруғлари учун ихтисослаштирилишини, шунингдек, уларни босқичма-босқич Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин.

Инспекция пахта ва бошоқли дон экинлари уруғлигининг буюртмаси, тайёрланиши, алоҳида қайта ишланиши ва сақланиши

бўйича талабларга риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин.

8. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот муассасалари берилган ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази негизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилсин.

Марказ мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан аграр фан соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб бориши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Бош прокуратура, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини долзарб йўналишлар бўйича янги ғоя ва ишланмаларни кўриб чиқиш заруратини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг моддий-техника базасини ривожлантириш, инновация технологияларини жорий қилиш ва ходимларни рағбатлантириш жамғармаси негизда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ташкил қилинаётган жамғармалар фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқласин.

10. Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимида янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасалар фаолиятини ташкил этиш бўйича Комиссия иловага мувофиқ таркибда тузилсин. Комиссия (З.Т.Мирзаев):

тугатилаётган идора ва муассасаларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг мол-мулк ва пул маблағларини оқилона тақсимлаш мақсадида уларни хатловдан ўтказишни;

мазкур Фармонга мувофиқ идора ва муассасаларни тугатиш, шунингдек, янгидан ташкил этилаётган тузилмаларнинг моддий-техника базасини яратиш, улар ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан, шу жумладан, тугатилаётган идора ва муассасаларнинг бинолари ва моддий-техника базасини бериш орқали жиҳозлашга доир тадбирларни ташкил қилишни;

янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасаларни, уларнинг ҳудудий бўлинмаларини жойлаштириш, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишни;

янгидан ташкил этилаётган идораларни малакали кадрлар билан, шу жумладан, тугатилаётган идоралар ва муассасалар ходимлари ҳисобидан тўлдиришни белгиланган тартибда таъминласин.

11. Мазкур Фармонда назарда тутилган идора ва муассасаларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда тугатилаётган идоралар ва муассасалар штат бирикларини мақбуллаштириш ҳисобида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича Комиссия бир ой муддатда янгидан тузилаётган идоралар ва муассасалар фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг асосий вазифа, функция ва фаолият йўналишларини белгилаб бериш бўйича қарорлар лойиҳаларни киритилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 17 апрель

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 17 апрель кuni Латвия Республикаси Сейми Раиси Инара Мурниеце раҳбарлигидаги ушбу мамлакат парламенти делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мулоқот чоғида Сенат Раиси Н.Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Латвия Республикаси Сейми ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

2010 йилда Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ тузилган бўлса, 2012 йил июлда мамлакатимиз парламентида худди шундай дўстлик гуруҳи ташкил этилди. Ҳақиқий сепаратизм Олий Мажлиси ва Сеймнинг парламентлараро дўстлик гуруҳлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Ўтган йил май ойида Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегациясининг Латвияга ташрифи, ушбу ташриф доирасида ўтказилган қатор учрашувлар ҳамкорликни янада кенгайтириш ва янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Ташриф кунлари Рига шаҳрида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Латвия бизнес-семинари ўтказилиб, унда икки мамлакат ишбилармон доираларининг 300 нафардан зиёд вакили иштирок этди. Бир қатор идора ва муассасалар ўртасида ҳамкорликка оид меморандумлар имзоланиб, келишувларга эришилди.

Латвия Республикаси Сейми Раиси Инара Мурниеце бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ушбу ташрифи парламентлараро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Учрашувда томонлар мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама этдилар. Демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича тўпланган тажриба таҳлил қилинди. Парламентлар ўртасидаги мулоқотни мазмун жиҳатдан янада бойитиш учун барча имкониятларни ишга солиш мақсадаги мувофиқлиги таъкидланди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ўтказилган учрашувда Спикер Н.Исмоилов Ўзбекистон билан Латвия ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган муносабатлар парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланаётганини қайд этди.

Мамлакатларимизни мустақкам дўстлик ришталари боғлаб туриши, қонун ижодкорлиги соҳасидаги алоқалар фаоллашгани тенг ҳуқуқликка асосланган шериклик муносабатларининг яна бир ифодаси экани таъкидланди.

Музокарада икки мамлакат ўртасидаги ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга оид масалалар кўриб чиқилди. Уюшган жиноятчилик, терроризм, гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича тузилган Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлик комиссияси олиб бораётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

Латвия парламенти делегацияси, шунингдек, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказди.

ЎЗА

Муносабат

ЖАСОРАТ, МАТОНАТ УНУТИЛМАЙДИ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг истаклари асосида уларни ўзлари жанг қилган мамлакатларга бир нафар кузатувчи билан сафарини ташкил этиш ҳамда Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги «Ўзбекистон» ҳамда республика ҳудудидаги бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юбориш, зарур авио ва темир йўл чипталари билан таъминлаш назарда тутилган.

Шунингдек, қарорда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортда келиб-қетиши, меҳмонхоналарда жойлаштириш, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши, зарур ҳолларда тегишли кийим-кечаклар билан таъ-

минланиши ҳам белгиланган. Ушбу йўналишда амалга оширилган кенг қўламли сайёҳаракатлар, изчил ислохотлар юртимизда инсон шарафни, қадр-қиммати нечоғлик юксак қадрланаётганидан, ёши улғунинсонларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганидан далolatдир.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
ЎЗМТДП Тошкент
вилоят кенгаши раиси

ЎЗМТДП иштироки билан

АЖДОДЛАР ТАРИХИ — САБОҚ, ИБРАТ ВА НАМУНА

Она Ватанимиз ўзининг бой тарихи, маданияти ва миллий қадриятларига эга. Бешиқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги тошғулар, битиклардан тортиб, бузун кутубхоналаримиз ҳазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган ўн минглаб асарлар, матбуот саҳифаларида эълон қилиниб, муайян даврни таъкидлаш асос бўладиган материаллар бизнинг бекиёз маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилди. Шундай экан, ҳар бир даврга оид тарихий факт, маълумот ва ҳужжатларни ўрганиш, тадқиқ этиб, бузунги ёш авлод вакилларига етказиш муҳим вазифа.



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Қатагон қурбонлари хотираси» давлат музейи ҳамкорлигида тадбир ташкил этилди. Унда музей катта илмий ходими Баҳром Ирзаевнинг «Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим» номили китоби тақдими бўлиб ўтди.

Баҳром Ирзаевнинг «Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим» номили китоби ушбу йўналишдаги сайёҳаракатларимизнинг навбатдагиси бўлди. Мазкур китоб халқимиз тарихининг сўнгги даври, айни пайтда ўта ҳасратли онлари, мустамлакачилик ва мустабид зулум ҳаётидан ҳикоя қилади. Маълумки, XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жаҳид тараққийпарварлик ҳаракати кўп асрлик ўзбек халқи тарихида муҳим ўрин тутди. Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидов, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Убайдулла Хўжаев, Обиджон Маҳмудов, Саидносор Миржалолов каби зотлар мустамлака зулми остида қолган Туркистон замини аҳлини маърифатга қорлаш, уларни жаҳон тамаддуни тараққиёти билан таништириш ва миллий истиқлол байроғи остида бирлаштириш йўлида улкан ишларни амалга оширганлар. Жаҳид тараққийпарварлари эл оғир дамларда ҳам истиқлол учун курашда собитқадам бўлди ва Ватан равақати учун ёшларни чет элларда ўқитиш, айниса, Европа илм-фани ютуқлари билан таништириш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Уч қисмдан иборат ушбу китобнинг биринчи қисмида Туркистон жаҳидларининг маърифатчилик фаолияти хусусида сўз боради. Иккинчи қисмида XX асрнинг 20-30 йилларида ўзбек матбуотида чоп этилган материаллар, шеърлар ўрин олган бўлса, сўнгги қисмида Германияда таҳсил олган туркистонлик ёшларнинг «Кўмак» журналида чоп этилган мақолалари асл ҳолича ўз ифодасини топган. Бу асар бугунги авлод вакилларини кечаги куннинг асл манзараси, аждодларимизнинг ўй-кечинмалари, оруз ниятлари билан таништиришга, шунингдек, ёш тадқиқотчилар учун бой манба бўлиб хизмат қилади.

миллий сиёсий ташкилотларни туздилар. Халқни эрк, хуррият ва озолик сингари умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга интилди. Улар миллатни мустамлакачилик қишларини парчалаб ташлаши учун курашга даъват этди. Шунингдек, миллат ўқитилгани хорижий мамлакатларда ўқитишга ҳисса қўшилди. Китобда ана шу жараёнлар акс этган архив ва матбуот материаллари, жумладан, XX асрнинг биринчи чораги ўзбек миллий матбуотининг «Иштирокиюн», «Қизил Байроқ», «Туркистон», «Фаргона», «Зарафшон», «Озод Бухоро» газеталари ва «Армуғон», «Билим ўчоғи», «Инқилоб», «Ер юзи», «Маориф ва ўқитувчи» журналлари саҳифаларида чоп этилган мақола ва хабарлар ҳеч бир ўзгаришсиз, қайта ишлов ва изоҳларсиз келтирилди. Бундан мақсад — китобхонни ўтган асрда ижод этган улғун ўзбек тараққийпарварлари ва ёшлари, уларнинг асл мақсад ва матлаблари билан таништиришдан иборат. Шунингдек, совет матбуотида хос бир-бирини инкор этишга қаратилган мақолаларга ҳам ўрин берилган. Бу эса китобхоннинг тегишли давр зиддиятларини янада чуқурроқ англашига ёрдам беради. Келтирилган мақола ва шеърларда ўтган асрда яшаган ўзбек ёшларининг она Ватанимизга чекисиз муҳаббати, истиқлолга ташна туйғулари уфуриб турди. Китобда туркистонлик талабалар томонидан 1923 йил Германияда нашр этилган «Кўмак» журнали тўлиқ ҳолида келтирилган. Унда Республикаимизнинг таниқли олимлари ва кўплаб фидойи ватандошларимизнинг «Қатагон қурбонлари хотираси» давлат музейи архивига топширилган сурат ва ҳужжатлардан унумли фойдаландик.

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИШЛАР ЁШ АВЛОД МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Мамлакатимизда диний-маърифий соҳа ривожига устувор аҳамият қаратилиб, давлатимиз раҳбари раҳнамоларида ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида қатор сайёҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кун кеча қабул қилинган «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони халқимизга хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Фармонда «жаҳолатга қарши маърифат» улуғвор ғояси асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, унинг эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар ифодаси эканлигини кенг ёритиш, соҳадаги илмий-маърифий фаолиятини жадал ташкил этиш, динни зўравонлик ёки қон тўкиш билан бир қаторга қўйдиган бузғунчи ёғларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳоли, айниса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш каби муҳим вазифалар ўз ифодасини топган. Бу каби чора-тадбирлар айни пайтдаги глобаллашув даврида ёш авлодни турли бузғунчи ғоялардан асраб-авайлашга хизмат қилади, ислом динининг эзгуликка чорловчи ва маърифатпарвар дин эканлигини кенг тарғиб этилишини таъминлайди.

қўнимасига эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ҳадислардаги эзгу умуминсоний ғояларни халқимиз, айниса, ёш авлодга етказишга хизмат қилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида «Вақф» хайрия жамоат фонди ташкил этилиб, унинг зиммасига фуқароларнинг диний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш вазифалари юклатилгани эътиборга молик. Айниса, маскидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, тарихий-мезмовий аҳамиятга эга зиёратхоналарни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш, муқаддас қадимжоларнинг мусулмон дунёсидagi нуфусини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш борасидаги вазифалар, ўз навбатида, зиёрат туризмни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу мақсад вазифалар Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси дастурий вазифалари билан йўғун ва ҳамохан бўлиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Биз депутатлар ушбу фармонда кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишимиз, депутатлик назоратини амалга оширишимиз, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишимиз зарур. Зеро, диний-маърифий йўналишдаги ибратли ишларимиз келажак эгаларини дубоанатли, маърифатли қилиб тарбиялаш, бузғунчи ғоялардан асраб-авайлашга хизмат қилиши муқаррар.

Қозоқжон ДАВЛАТОВ,
Маънавият тарғиботи маркази
Қорақўл туман бўлими раҳбари,
халқ депутатлари туман Кенгашига
ЎЗМТДПдан сайланган депутат

Партия вакиллари — ёшлар ҳузурида

ТИЗИМЛИ ЎРГАНИШЛАР — САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИ

Инсон зоти табиятан кўнглидан — меҳр ва эътиборга ташна, озгина рағбатдан кўнгли тоғдай кўтарилади. Айниса, алоҳида шароит, махсус таълим-тарбия масканида болалар бунга катта эҳтиёж сезади. Кўнгли яримдан ҳол сўраш, унга қўмаклашиш — халқимизга хос эзгу қадрият.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2018 йилги иш режасида ҳудудлардаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда волега етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳолатини ўрганиш, ижтимоий, маънавий-маърифий йўналишда тадбирлар ташкил этиш вазифаси белгиланган. Яқинда партия Марказий кенгаши Сирдарё вилояти Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус коллежида, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб-интернатига ўрганиш ишларини олиб борди. Ўрганишлар давомида ўқувчилар орасида ижтимоий сўров ўтказилди. Аввалдан тайёрланган махсус сўровнома асосида уларнинг фикр ва тақлифлари, муаммолари билан яқиндан танишилди.

— ЎЗМТДП халқимизнинг маънавияти ривож ва жамиятдаги барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мурувват, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик каби миллий хусусиятларимизни кенг тарғиб қилади, ўзаро ҳамжиҳатлик, болаларга ғамхўрлик каби оилавий аъёнларнинг жамиятдаги маънавий қадриятларининг муҳим манбаи, деб ҳисоблайди, — дейди ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари Феруза Муҳаммаджонова. — Ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда таҳсил олаётган фарзандларимиз учун яратилган шарт-шароитларни ўрганишга қаратилган ишларимиздан асосий мақсад — энг аввало, партия дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлаш, ўқув муассасасидаги муаммоларни ўқувчиларнинг тақлиф ва истаклари ҳамда мутахассислар фикрлари асосида ўрганиш, аниқланган масала-муаммоларни маҳаллий Кенгаш депутатлари кўмағида ҳал этиш, тақлифлар тайёрлаб, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясига тақдим этишдан иборат. Пировард мақсадимиз эътибор ва ғамхўрликка муҳтож ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган.

Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус коллежи 150 ўринга мўл-

жалланган. Ихтисослашган ўқув хоналари, кутубхона, ишлаб чиқариш устанонаси, ётоқхона ва ошхонадан иборат муассасада айни пайтда 14-17 ёшли 118 нафар ўқувчи тарбияланмоқда.

— Коллежимиз алоҳида шароит, тарбия ва таълим беришга муҳтож болаларни ўқитишни, уларнинг касб-хунар тайёргарлиги ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширувчи муассаса ҳисобланади, — дейди коллеж директори Қаҳрамон Маҳмудов. — Тарбияланувчиларнинг таълим ва касб-хунар ўрганишлари учун информатика, лингафон, физика, кимё, математика, тарих, оила тили, биология, рус тили, меҳнат, ёшларни қизиқтиришга қадар бошланғич тайёрлаш, махсус фан, компьютер, пайвандлаш ва дурадгорлик ўқув амалиёти хоналари — жами 16 та ўқув хонаси ташкил этилиб, 35 дона компьютер, 2 дона видеопроектор, 10 дона тикув машинаси билан таъминланган.

Ишчи гуруҳ вакиллари коллежнинг ахборот кутубхонаси, спорт майдонлари ҳолатини кўздан кечирди. Тарбияланувчиларнинг кун тартибини ўрганди.

— Ёшлар тарбияси барча замонларда ҳам энг муҳим, инсоният келажигани белгиланган масала бўлган ва шундай бўлиб қолади. Шу боис мамлакатимизда ёшлар камолоти масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎЗМТДП Марказий кенгаши йўроия кўмитаси девони бош мутахассиси Шаҳноза Султонова. — Бахт шаҳрида жойлашган ўғил болалар махсус коллежидаги ўрганишларимиз давомида тарбияланувчиларнинг таълим-тарбия, меҳнат ва дам олишининг уйғунлаштирилишини таъминловчи кун тартибига алоҳида эътибор қаратдик. Кун тартибидан ўқув, таълим-тарбия, маданий ҳордиқ, спорт ва касб-хунар ўрганишга қаратилган амалий машғулотлар ўрин олгани эътиборли. Коллежда тарбияланувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун мини-футбол, волейбол ҳамда баскетбол майдонлари мавжуд. Спорт зали, тренажёр ва стол тенниси хоналари зарур спорт инвентарлари билан таъминланган. Шунингдек, малакали педагог ходимлар томонидан турли спорт тўғрисидаги ҳамда жисмоний тарбия дарслари ўтиб келинмоқда.

Бундан ташқари, жами 10 ярим мингга яқин ўқув ва бадий адабиётлар жамланган ахборот-кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Ўрганиш доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда сўз олган ЎЗМТДП вакиллари Ўзбекистон «Миллий тикланиш»

демократик партияси ёш авлод таълим-тарбияси учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ўқув-тарбия муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги сайёҳаракатларга қўмаклашиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъкидлади. Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари барча тоифадаги фарзандларимиз жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун ўз вақолларини доирасида ҳисса қўшишга интилаётгани алоҳида қайд этилди.

Очик мулоқот руҳида ташкил этилган тадбирда бадий чиқишлар, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари ҳамда коллеж ўқувчилари тайёрлаган сахна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида коллеж ўқувчиларига ЎЗМТДП Марказий ва Сирдарё вилоят кенгашларининг эсдалик совғалари топширилди. ЎЗМТДП Марказий ва Тошкент вилоят кенгашлари вакиллари, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия аъзолари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, вилоят прокуратураси, ички ишлар, халқ таълими бошқармалари, Ёшлар иттифоқи ҳамда халқ депутатлари Чиноз туман Кенгашлари вакилларидан иборат гуруҳнинг 4 чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб-интернатидagi ўрганишлари ҳам самарали кечди. Муассасадаги таълим жараёнлари ва тарбияланувчиларга яратилган шароитлар, интернатнинг фаолияти қай даражада йўлга қўйилгани билан яқиндан танишилди.

Шундан сўнг тарбияланувчилар иштирокида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар, уларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, ёш авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар хусусида сўз борди.

— Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва иштироки тобора кенгайиб бормоқда, — деди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Даврон Орипов. — Ўтган даврда мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатини ифодаловчи қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларга қўллаб-қўвиштириш имтиёзлар жорий этилди. Ана шундай чора-тадбирлар тўғрисида аёлларимиз бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг, жамиятда кечаётган ҳаётбахш ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиб бораётир. Бугун улар депутат, мураббий, ҳарбий, шифокор, тадбиркор, фермер

сифатида ҳар бир жабҳада ўзини кўрсатмоқда. Аминимизки, мазкур мактаб-интернатда ҳам келгусида касб-хунар эгаллаб, соҳалар ривожига, эришилган ютуқларга ўз ҳиссасини қўшадиган, халқимизга нафи тегадиган фаол хотин-қизлар, мустаҳкам оила бекалари етишиб чиқади. Бунинг учун тарбияланувчилар яратилган имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, ўз билим ва қўнимларини ошириб боришлари лозим.

Тадбир давомида сўз олган ишчи гуруҳ вакиллари ЎЗМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мазкур ўрганишлар келгусида мактаб-интернатнинг шарт-шароитларини янада яхшилаш, имкониятларини кенгайтириш, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ўқув машғулотларининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини қайд этдилар. Бундай тадбир ва ўрганишларни ҳар чоракда ташкил этишга ва муассаса фаолиятини янада яхшилаш бўйича тақлифлар тайёрлаб, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишга кўмитаси олинди. Муассасанинг 37 нафар тарбияланувчисига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда Тошкент вилояти кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Дарҳақиқат, ЎЗМТДП Марказий кенгаши ташаббуси асосида Бахт шаҳар ўғил болалар махсус коллежи ҳамда Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб-интернатига ташкил этилган ўрганишлар мазкур муассасаларнинг шарт-шароитларини янада яхшилаш, ўқув-тарбия жараёнларини самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутди. Мавжуд муаммолар атрофида ўрганилиб, уларни депутатлик бирлашмаларининг вақолатларидан самарали фойдаланган ҳолда ҳал этиш чоралари кўрилади. Партиянинг кейинги ўрганишлари Самарқанд ва Қўқон шаҳарларидаги ихтисослаштирилган ўқув- тарбия муассасаларида ташкил этилиши режалаштирилган. Яқинда барча ҳудудлардаги ўрганиш натижалари ўзаро қиёсий таҳлил қилиниб, партия фракциясига тақдим этилди. Бу эса соҳага доир ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш юзасидан тегишли мутаассадиларнинг эшитувларини ташкил этиш, парламент назоратини ўрнатилишга асос бўлади.

Тадкимотда бу каби тарих саҳифаларини ёрқин рангларда очиб берувчи китоб ва тўпламларни нашрга тайёрлаш, тадқиқот ишларини қўлайитириш, қолверас, китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партия ва тегишли ташкилотлар, тадқиқотчи олимларнинг ҳамкорлигидаги фаолияти бундан кейин ҳам изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Иштирокчиларни қизқитириган саволларга олимлар ва депутатлар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Муҳтарам РАМАЗОНОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Ўқув-семинар

ҚОНУНЛАР ҲАЁТИЙ ВА ХАЛҚЧИЛ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

БУНИНГ УЧУН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРЛИГИ ЗАРУР



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Семинарни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Бугун миллий парламентиизнинг жамият ҳаётидаги ўрни мустақамланиб, ислохотлар жараёнидаги иштироки кенгайиб бормоқда, — деди партия етакчиси. — Муҳим аҳамиятга эга қонун лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда, уларни қабул қилишда аҳолининг таъминлаш механизми ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида парламентнинг асосий фаолияти — қонун ижодкорлиги камчилиги ва нуқсонлардан холи эмаслиги, аксарият ҳолларда, бир-бирига зид, мос келмайдиган қонун ва қонун-ости ҳужжатлари қабул қилинаётгани, бу эса амалиётда муаммоларни бартараф этиш эмас, аксинча чалкашдиқлар туғдираётгани, шу боис, Қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижодкорлигини такомиллаштиришга доир концепция ишлаб чиқиш, амалга ошириш лозимлигини, қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши кераклигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, бугун партия фракциясининг электорат вакиллари, фуқаролар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларидан қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар олиш тартиби амалиётда жорий этилди. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизими йўлга қўйилди.

Тадбирда қонун устуворлиги тамойилига сўзсиз риоя этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқиш жараёни самарали ташкил этиш, унинг ҳаётийлиги, халқчиллиги, пировардида амалиётга тўлиқ тадбиқ этилишига ҳизмат қилиши таъкидланди. Мамакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, қонуннинг ижтимоий мавқеи юксалиши, муайян ижтимоий муносабатни ҳуқуқий тартибга солиш тизими мукамал бўлишини таъминлашда қонунларнинг ўзидан унинг ижро механизми имкон қадар тўла акс эттириши еки қабул қилинаётган

қонуннинг амалиётга тадбиқ этилиши билан боғлиқ барча қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини қонун кучга киргунгача бўлган жараёнда тайёрлаш ва ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса қонун ижодкорлиги жараёнида, албатта, иштирок этувчи барча субъектдан юксак масъулият ва профессионал ёндашуви талаб этади.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодир Мухторов “Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида парламент ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигини таъминлаш механизми” мавзусида маъруза қилди. Таъкидлаганидек, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аҳоли билан ишлашда замонавий технологиялардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Аҳолининг турли қатламлари ичига кириб бориш, уларга қонунларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни мунтазам таҳлил этиш ва қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш лозим.

Депутатнинг аҳоли фикр-мулоҳазаларини ўрганиши, энг аввало, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда қандай қонунлар қабул қилиш кераклигини белгилаш имконини беради. Мазкур жараёнда партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир қонун ва ҳуқуқий ҳужжатда инсон омили устувор экан, уларни ишлаб чиқиш жараёнида одамлар фикри билан ҳисоблашиш, кенг омманинг таклифларини ўрганиш лозим. Президентимиз ташаббуси билан амалиётга жорий этилган ушбу тизим асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда, фуқаролар, турли соҳа вакиллари таклиф ва фикр-мулоҳазалар олинмоқда.

— Қонун устуворлиги принципининг ҳа-

ёттичилигини таъминловчи яна бир муҳим вазифа — қонунларни ўз вақтида ижрочиларга етказиш, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарлигини кучайтиришдир, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Широно. — Ушбу вазифанинг бажарилиши шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги замонда фуқароларнинг қабул қилинаётган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан ўз вақтида танишиш, юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлардан хабардор бўлиш, қонун билан белгиланган ҳуқуқларидан самарали фойдаланишлари имкон яратади, мамлакат раванқига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради.

Ўқув-семинарда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида парламент ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигини таъмин-

лаш механизмлари, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш тартиби, қонун ижросини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Семинар якунида Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси позициясини шакллантириш, Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан партиянинг таклифларини ишлаб чиқиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, депутатлар ва партия ташкилотларининг иш услубини такомиллаштириш ва қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш каби масалалар бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Муҳтабар ҲУСАНОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи халқ бўлиши, қонунларимиз, энг аввало, халқ манфаатларига ҳизмат қилиши лозим. Бу эса барча даражадаги депутатлардан доимий равишда халқ орасида бўлиш, уларнинг муаммо ва қизиқишларини ўрганиш ва шу асосда қонун лойиҳаларини қабул қилишни тақозо этади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, бошланғич ташкилотлар партиянинг аҳолига энг яқин бўлиши саналади. Шундай бўлгач, уларнинг қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш жараёнида ижтимоий сўровлар усулидан фойдаланиш яхши самара беради. “Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлигини таъминлашнинг замонавий усул ва воситалари” мавзусидаги бугунги ўқув-семинарда билдирилган таклиф-мулоҳазалар бу йўналишдаги ишларни тизимли йўлга қўйишда яхши самара бериши, шубҳасиз.

Гулшадра МАЛИКОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири:

— Қонунларимиз қанчалик халқчил ва мукамал тайёрланса, уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши ҳам шунчалик самарали бўлади. Бунда, албатта, кенг жамоатчиликнинг таклиф-мулоҳазалари муҳим ўрин тутди. Мамлакатда ижтимоий муносабатлар ривожлангани сайин уларни тартибга солувчи қонунчилик меъёрларини ҳам такомиллаштириб бориш зарурати туғдилади. Ижтимоий ҳаётни маълум тизимга, тарофларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда қабул қилиш, уларни ижрочиларга етказиш ва назорат қилиш қонун ижодкорлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу вазифаларни бажаришда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг яқин ҳамкорлиги зарур.

Қонун ижодкорлиги узлуксиз ва мунтазам жараён. Айрим қонунлар давр ўзгариши ёхуд ислохотлар шиддати сабаб янгилан, қўшимча ва ўзгаришлар киритишни тақозо этади. Айни шу нуқтада халқ вакиллари аҳоли ичига кириши, мавжуд муаммоларни ўрганиши ва қонунлар воситасида уларни бартараф қилиш уларнинг топиши муҳим аҳамиятга эга.

Ойдин БОЙБЕКОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Ўқув-семинарда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалдаги қонунларни такомиллаштиришда партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ҳамкорлигини мустақамлаш, партия гуруҳларида қонун лойиҳаларининг муҳокамасини ташкил этиш ва таклифлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш юзасидан қилинган маърузалар, айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг янада самарали фаолият олиб боришини таъминлаш ва ташкил этишда ўрни ва аҳамияти гоёг катта.

ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлари ва партия фаоллари қонун лойиҳалари муҳокамаси жараёнида янада фаол бўлишлари, лойиҳаларни аҳолига етказиш ва улардан кўп таклифлар олишга эришишлари лозим. Қабул қилаётган қонунларимиз ана шунда биз қутганчалик халқчил ва ҳаётий бўлади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин. Қонунда жамоатчилик эшитувлари деган ташушча мавжуд. Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга ёхуд фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувчи ҳисобланади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш назорат шакли эса турли ижтимоий гуруҳларнинг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органлари, улар мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишига, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборат. Ҳар қандай иш унинг натижаси билан баҳоланади. Шундан келиб чиққан ҳолда қонунда жамоатчилик назоратининг натижалари белгиланмоқда. Унга кўра, жамоатчилик назорати натижалари бўйича баённома, хулоса, маълумотнома ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда яқиний ҳужжатлар тайёрланиши мумкин. Унда баён этилган ахборотлар, тавсиялар ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда қўриб чиқиладиган ҳамда улар юзасидан қонуний қарор қабул қилинади.

Мазкур қонун давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати каби конституциявий меъерни амалга ошириш механизмининг белгилаб беради. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари зиммасига қонун билан юклатилган вазифаларни қай даражада бажарилаётганиги устидан жамоатчилик назоратини олиб боришни ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлашди.

Жаҳонгир ШИРОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

— Жамоатчилик палатаси депутатларининг ташаббуси асосида киритилган “Ташувиҳнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ташувиҳнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўурта қилиш механизмининг такомиллаштириш, йўловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тегишли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тизимини такомиллаштириш ва бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоиз, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида Қонунчилик палатаси депутатларидан, вазирилк ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, амалиётчи мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси депутатларнинг ижтимоий тармоқлардаги шахсий саҳифаларида ҳар тарафлама муҳокама қилиш учун жойлаштирилган бўлиб, бу бундан сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳисобга олиш имконини берди.

Қонун лойиҳасига мувофиқ фаолияти лицензияланадиган, транспортда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкни тижорат асосида ташини бўйича ҳизматлар кўрсатадиган юридик шахсларга ташувиҳнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўурта қилиш шартномасини уч ойдан бир йилгача муддатга тузиш ҳуқуқи берилмоқда. Ушбу норманинг қўшилиши ташувиҳларга лицензияларнинг амал қилиш муддатига қадар сўурта шартномасини тузиш, лицензияларни бекор қилиш ва қайтадан рўйхатга олиш учун ортиқча сарф-ҳаражатларга йўл қўймаслиқ имконини беради.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, лицензияланадиган транспортда йўловчиларни ташини бўйича ҳизматлар кўрсатадиган ташувиҳлар учун шарт-шароитлар яратади.

Муҳтарама КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

— Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган. Фармонга асосан 2018 йилнинг 1 январидан тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш марказлари Давлат хизматлари марказларига айлантирилди. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонунларига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, мазкур фармон билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг 1-бандига асосан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда. Қонун лойиҳасига кўра, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб бузилган, шу жумла, электрон ҳужжатни, сўровни, аризачи номидан мурожаатни қабул қилиш рад этилган тақдирда, аризачидан давлат хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги ваколатли давлат органининг қонуний талабларини бажармаслиқ мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақдор содир этилса, энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Назир СОБИРОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси: — Қонунчилик палатаси депутатларининг ташаббуси асосида киритилган “Ташувиҳнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ташувиҳнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўурта қилиш механизмининг такомиллаштириш, йўловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тегишли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тизимини такомиллаштириш ва бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоиз, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида Қонунчилик палатаси депутатларидан, вазирилк ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, амалиётчи мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси депутатларнинг ижтимоий тармоқлардаги шахсий саҳифаларида ҳар тарафлама муҳокама қилиш учун жойлаштирилган бўлиб, бу бундан сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳисобга олиш имконини берди.

Қонун кучга кирди

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ҲАМ МУСТАҚАМЛАДИ, ҲАМ ЯГОНА ҚОНУНДА ЖАМЛАНДИ

Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш воситасида жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларидан бири саналади. Қунончи, жамоатчиликнинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслар зиммасига юклатилган вазифаларни қай даражада бажарилаётганлиги устидан назорат олиб бориши ва бунга қонун йўли билан имкон берилгани ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Мамакатимизда жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини мустақамлашга қаратилган ислохотлар бошқича-бошқич амалга оширилмоқда. Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида “давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдилар”, деб белгиланган. 19-моддада эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқ эканлиги мустақамланган.

2014 йилда Конституцияимизнинг 32-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар жамоатчилик назорати институтига конституциявий мақом бағишлади. Бундай меъёрлар, ўз навбатида, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини олиб боришга қодир бўлган фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга оид қонунчилик тизимининг шаклланишига замин яратди. Яъни юртимизда жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича меъерий-ҳуқуқий база шакллантирилган бўлиб, у тизимли равишда ривожланиб бормоқда.

Миллий давлатчилик ҳамда жамиятни демократлаштириш жараёнининг бошқича-бошқич ривожланиб бориши самараси ўлароқ фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳам ортди бораётди. Бугунги кунда бир неча қонунда тарқоқ ҳолда жойлашган жамоатчилик назоратига оид меъёр ва қондаларни бириктириш ҳамда уларни ягона қонунга жамлаш эҳтиёжи юзага келди. Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз чиқишлари, хусусан, 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномада

жамоатчилик назорати бўйича махус қонун қабул қилиш зарурати ҳақида гапирган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда экспертлардан ташкил топан ишчи гуруҳ ана шундан келиб чиққан ҳолда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлашга киришди ва у шу йилнинг 12 апрель куни қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, жамоатчилик назоратини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари олиб боришлари мумкин.

Жамоатчилик назорати давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қабул қилаётган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлари, қарорлари, шунингдек, давлат, тармоқ ва минтақавий ривожланиш худудий дастурлари устидан олиб борилади. Бундан ташқари, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини ижро этилишини таъминлаш, ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажариш фаолияти устидан ҳам жамоатчилик назорати амалга оширилади.

Жамоатчилик назорати давлат органларига мурожаат ва сўровлар юбориш, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитиш, мониторинги, экспертизаси ва бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин. Жамоатчилик муҳокамаси — ижтимоий аҳамиятга молик масалалар, шунингдек, меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилишдан иборат. Назоратнинг бу шакли турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масалага дахлдор ёки дахлдор бўлмаган шахслар иштирокида, оммавий ва очиқ тарзда ўтказилади. Иштирокчилар унда жамоатчилик муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдириши ва таклифлар киритиши мумкин. Жамоатчилик

муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Қонунда жамоатчилик эшитувлари деган ташушча мавжуд. Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга ёхуд фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувчи ҳисобланади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш назорат шакли эса турли ижтимоий гуруҳларнинг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органлари, улар мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишига, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборат.

Ҳар қандай иш унинг натижаси билан баҳоланади. Шундан келиб чиққан ҳолда қонунда жамоатчилик назоратининг натижалари белгиланмоқда. Унга кўра, жамоатчилик назорати натижалари бўйича баённома, хулоса, маълумотнома ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда яқиний ҳужжатлар тайёрланиши мумкин. Унда баён этилган ахборотлар, тавсиялар ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда қўриб чиқиладиган ҳамда улар юзасидан қонуний қарор қабул қилинади.

Мазкур қонун давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати каби конституциявий меъерни амалга ошириш механизмининг белгилаб беради. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари зиммасига қонун билан юклатилган вазифаларни қай даражада бажарилаётганиги устидан жамоатчилик назоратини олиб боришни ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлашди.

Жаҳонгир ШИРОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Маданият алифбоси

КИЙИМИ ЙИРТИҚНИНГ МАЪНАВИЯТИ БУТУН БЎЛМАЙДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Ёт таъсирлар одамларнинг кийиниш борасидаги қарашларини шунчалик ўзгартириб юбордики, дастлаб кенг ё тор, "йиртиқ" ёки "ямқ" шим, кўйлак, кийим дейишга ҳам арзаймайдиган матоҳларни кийиш шаҳарда урфга айланган бўлса, бу "мода" кейинчалик барча худудга ёйилди — бу борада ҳам шаҳар ва қишлоқ ўртасида фарқ қолмади, десак хато бўлмайди. Ҳатто тўй оқшомларида баъзи келинлар елкаси (айрим ҳолларда белигача) очиқ кўйлақларда бемалол ўтирадиган бўлди. Бунга барча — ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй кўника бошлади. Кимдир бунга мода деди, кимдир замонавийликка йўйди...

Инсон — мураккаб ҳилқат. У қанчалик иродали бўлмасин, ёт таъсирлар йиллар ўтиши билан унинг маънавиятини емириши, маданиятини поймол қилиши мумкин. Бу эса у мансуб халқнинг ўз турмуш тўғрисида узоқлашиши, минг йиллардан бундан қадрлаб, эъозлаб келган тушунчаларидан юз ўгириши, аста-секин ўз-ўзидан тоншига олиб келади. Сиз ажабловур кийимдаги фарзандингизни койиш ўрнига "майли, ҳали ёш, ақли кириб қолар, кийса кийибди-да", деганингизда маънавият деб аталмиш мустақам қалъангиз пойдеворидан бир гишт нураши, "бу кийим қулай ва энг сўнгги мода", деб ўзингизни оқлаганингизда ўз-ўзингизни тутиб турган яна бир устун кулаши шубҳасиз. Кўнглимизда "шу кийимлари билан бошқалардан ажралиб туради", деган истак пайдо бўлса, миллий менталитетимизни бой бермоқ йўлида яна бир қадам ташлаган бўламиз.

Қанчалик гапирилмасин, ёзилмасин, лекин ижобий ўзгариш сезилаётгани йўқ. Ҳўш, бунда ким аборд? Шундай кийимларни сотаётган сотувчимиз? Бироқ бунда фақат уни айблаш инсофдан эмас. У харидор нимани талаб қилса, шуни олиб келади. Демак, ҳамма гап биз — харидорда. Ун беш йилдан бери кийим савдоси билан шуғулланаман, — дейди "Чилонзор буюм бозори" ақциядорлик жамиятига қарашли дўкон эгаси Дилфуза Қўчқорова. — Одамларнинг танлаётган, ўзига раво кўраётган кийимига қараб ҳам уларнинг нечоғли маънавияти ёки ақсинчалигини билиш мумкин. Асл касбим психолог бўлгани боис бунга аҳамият қаратмасликнинг иложи йўқ. Савдодаги фаолиятим мобайнида бир муддат "йиртиқ", "қирқ ямқ" каби ажнабий кийимлар олиб келиш ва уни сотишни тўхтатдим. Қарасам, дўконимдан харидор қочиб, савдо касодга учрапти. Кейин мажбуран яна шунақа кийимлар савдосига ўтдим. Дўконга ёш-ёш йигит-қизлар кўпинча ота-онасини етаклаб (аввал тескариси бўларди!) келади. Улар учун эса фарзанднинг "айтгани айтган, дегани деган"...

Телевидение бугун энг кучли тарғибот воситасига айланди. Аммо айрим хусусий каналлар реклама, турли кўрсатув, фильм ва сериаллар орқали билиб-билмай миллийликдан йироқ, аёнана ва қадриятларимизга зид ахборотларни тарғиб этмоқда. Айниқса, телеканалларимизни кундан-кун "беазаётган" чет эл сериаллари маъно-ю мазмун жиҳатидан кишини ташвишга солмоқда. Табиийки, берилиб сериал кўраётган томошабинда

севимли қахрамонига ўхшаш, унга тақлид қилиш истаги пайдо бўлади. Инсоннинг визуал ахборотни эшитилган ахборотдан кўра тезроқ қабул қилиши исбот талаб қилмас ҳақиқат. Севимли актёри кийган замонавий, "йиртиқ" ёки тор, очиқ-сочиқ кийимлар шайдосига айланиб боради. Бу эса уddaбурон тадбиркор ва сотувчи учун айни муддао.

— Катта фарзандим 25, кичиги 12 ёшга тўлди. Улар кийим олмақчи бўлса ҳалигача бозорга бирга бораман, — дейди сергелилик уй бекаси Мўтабар Ражабова. — Болаларим баъзан "энди катта бўлиб қолдик, ўзимиз борамиз", деб қолади. Лекин барибир уларни ёлғиз юбормайман. Сабаби битта: сотувчи тавсияси ёинки ундови, тенгдошларига бўлган ҳавас билан, кийим дейишга тил бормайдиган буюмлар харидорига айланиб қолмасин, дейман. Бир гал балогат ёшидаги ўртанча ўғлим мендан яширинча шим олиб келибди. Қарасам, ҳам жуда тор, ҳам нақ бешта жойида ямоғи бор. Ўғлимни етакладим-да, харид қилган жойига бордим. Сотувчига кийимни бердим-да, пулини қайтариб олдим. Бирга дўкон айланиб рисоладагидай шим олиб бердим. Шу-шу бундай ҳолат бошқа такрорланмади.

Дарҳақиқат, ёш авлод тарбиясида кийиниш маданияти муҳим ўрин тутди. Аммо бу маданиятга ташқи омиллар, хусусан, айрим хонандаларимиз ҳам ақс таъсир кўрсатётгани сир эмас. Асли иши халқ маънавиятини юксалтириш бўлган маданият соҳаси вакиллари бундай муносабатига чек қўйиш фурсати келди. "Ҳамма жам", "Кел, иккимиз" клипларини томоша қилиб, фикримиз қанчалик рост ва тўғри эканлигига амин бўласиз. Бундай санъаткорлар ё миллат олдидаги масъулиятини тушунмайди, ё ўзини ундан айри ҳолда кўради.

Миллий либос азалдан ҳар қандай халқ аёнана ва маданиятининг рамзи, унинг ажралмас қисми бўлиб келган. Бироқ сўнгги вақтда дунёнинг етакчи дизайнерлари ўзбек миллий матоларидан фойдаланган ҳолда янгича кўриниш ва дизайнда либослар яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда, бизнинг оддий эски қовушларимизга салгина ўзгартириш киритиб, уни янги мода сифатида тақдим этмоқда. Энг сифатли ипак ва пахта толаси ўзимизда етиштирилса-да, ҳамон чет эл кийимларига бўлган ташналигимиз қонмаяпти. Чет эл фабрикалари эса ўзимиздаги тайёр ва ярим тайёр хомашёни олиб, ўзимизга кийим қилиб сотапти.

Шу ўринда Франциянинг "Coralie Amsellem" компанияси дизайнери Бриолин Кристоффенг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: "Ўзбекистон ноёб нақш ва ранглар билан безатишган либослар дизайнини тайёрлаш, уларни кўлда ва ташинида тикиш борасида ўз аёнанага эга. Шу боис мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилиш бизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзаро ҳамкорлик ўзбек миллий нақшлари туширилган ўзига хос янги матолар коллекцияларини яратиш имконини беради".

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш ва уларни халқаро бозорга чиқариш масаласи энгил саноат соҳасидаги муҳим масалалардан биридир. Бу жараёнда юртимиз дизайнерлари олдида миллий ва замонавий услубларни муассам этган либосларни яратишдек муҳим вазифа турибди. Токи, миллий матолардан тикилган, миллий ва замонавий услубларни муассам этган либосларимиз ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирсин. Ақсинча, харидорга сифатли ва бежирим, ҳаммабоп, замонавий, шу билан бирга, миллийлигимизга уйғун кийимлар тақлиф этилмас экан, фарзандларимиз "йиртиқ кийим"лар шайдосига айланиб боравериши, бунга қарши барча саъй-ҳаракатимиз бесамар кетиши шубҳасиз.

Хулқар АБДУЛЛАЕВА,
Республика Маънавият
ва маърифат маркази
бош мутахассиси

Қашиқадарёда илк маротаба "Қашиқадарё оҳанги" деб номланган ёшлар фольклор ансамбли фестивали ўтказилди.

"ҚАШҚАДАРЁ ОҲАНГИ"ДА ЎЛАНЛАР ЖАРАНГИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш, уларда Ватанга муҳаббат, миллий гуруҳ туйғуларини янада мустақамлаш ва фольклор соҳасига қизиқувчи ешларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган фестивалда вилоятдаги фольклор ансамблилари, бахшилар иштирок этди.

— Фольклор санъати халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқароши, руҳий-эстетик олами, ички кечинмалари юксак бадий ифодаси ақс этган қадрият бўлиш билан бирга, аждодларимиздан қолган улкан маънавий мерос сифатида ўзининг мазмундорлиги, тарбиявийлиги ва умрбоқийлиги билан бошқа санъат турларидан ажралиб туради, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси ўринбосари С.Мусулмонов. — Бугун саҳнага чиққан бахшилар ва фольклор ансамблилари ижросидаги куй-қўшиқлар, ўлан ва лапарлар ёшу қарини бирдек хушнуд этди.

Китоб туманининг "Ризвонгул болалари", Қамаш туманининг "Зебинисо", Чирокчи туманининг "Чирокчи чироқлари", "Тошқин булоқлар", "Марварид", Шаҳрисабз туманининг "Шаҳрисабз ёшлар театр фольклори" жамоаларининг чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Фестиваль доирасида ёш рассомлар ва хунармандларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Ўлмас БАРОТОВ, ЎЗА

Миллий гуруҳ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 мартдаги "Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги қарори билан йиғирма саккиз қиз давлатимизнинг ушбу юксак мукофотига сазовор бўлди. Улар орасида навоийлик ёш шоира Муниса Аъзамова ҳам бор.

ЎЗБЕГИМНИНГ МУНИС ҚИЗИ

Ёш шоира кўнгли чизгилари ва кечинмаларини содда, самимий ва гўзал сатрларга тиза олиш иқтидорига эга. Унинг битиклари худди ўзи каби беғубор, такрорланмас: жимжимадор ва баландпарвоз сўزلардан йироқ. Навоий вилоятининг Навбахор туманида туғилиб ўсган ёш шоиранинг кўнгли сарҳади улғайган макони каби кенг ва рангин.

...Муниса болалигидан илмга ташна ва қизиқувчан эди. Шу боис меҳнат ва интилишдан сира тўхтамади. Тез орада устозлар эътиборига тушди. Шеърлари тенгдошлари меҳрини қозонди. Бироқ ёш шоирага олқиш эмас, илм, натижа керак эди. 2013 йили "Тонг нафаси" номли илк китоби нашрдан чиқди.

Муниса Аъзамова бугун Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида таҳсил олаётир. Унга оила аъзолари ҳамisha маънан кўмак бериб келган.

— Қизим мактабга чиқмай савод чиқарган: ёзиш, китоб ўқишни ўрганган, — дейди онаси Наргиза Ҳасанова. — Унга туғилган кунни ёки байрамларда ҳамisha бадий адабиётлар соғға қилганмиз. Айниқса унинг адабиётга меҳри баланд. Қизимнинг Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ қўрилганини эшитиб бошимиз осмонга етди. Унинг зиммасидаги масъулият энди икки қарра ошди...

Ёш истеъдод соҳибаси мамлакатимизда ўтказилаётган танловларда ҳам муносиб



иштирок этиб келаётир. 2014 йил "Юксак маънавиятли авлод" фестивалининг республика босқичида иштирок этган Муниса бадий ижод йўналишида гўлиб бўлди. 2015 йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўтказган иншола танловининг республика босқичида "Энг ҳассос ўқувчи" номинацияси бўйича тенгдошлари орасида тенгсизлигини исботлади. Унинг туркум шеърлари "Саодат", "Тонг юлдузи", "Гулхан" каби республика нашрларида эълон қилинган. Муниса Аъзамова Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган "Онажоним — шеърят" тўғрагининг фаол аъзоси.

— Мунисанинг шеърларида миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсон ички

дунёси, бетакрор табиатимизнинг гўзал манзаралари маҳд этилади, — дейди устози, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Салима Умарова. — Унинг содда тилда

равон ёзилган ижод намуналари шеърят ихлосмандлари меҳрини қозонган. Киши кўнглига яқин, табиий ва ҳаётий мисралари билан тенгдошларидан ажралиб туради. Айниқса, "Андоза", "Тун", "Вақт қадами", "Бургут", "Анор гули" каби шеърлари устоз шоирлар томонидан муносиб баҳоланган.

— Шундай юртда туғилганимдан, унинг бахтли фарзанди эканимдан доим фخرланаман, — дейди Муниса Аъзамова. — Давлатимиз раҳбари биз ёшларга яратётган имкониятлар бутун дунё ёшларининг ҳавасини келтирмоқда. Ҳеч бир давлатда хотин-қизлар учун алоҳида давлат мукофоти таъсис этилмаган. Бу мукофот бизни Ватанимиз тараққиёти йўлида бир тану бир жон, камарбаста бўлиб меҳнат қилишимизда янада улкан масъулият юклайди, янги-янги марралар сари руҳлантиради.

**Ўрик гули — менинг гулим,
Менинг гулим — менинг дилим.
Ишонмайсан, ана қаранг,
Гулганан-ку мен берган ранг.
Мен берган ранг кўнглимдай оқ,
Кўнглимдай оқ...**

Муниса Аъзамова бугун барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиш баробарида тинимсиз ижодий изланишлар билан банд. У келгусида хорижий тилларни мукаммал ўрганиб, юртимиз ёшларининг салоҳиятини дунёга танитиш ниятида.

Нигора НИШОНБОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Туризм — истиқболли соҳа

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА САЙЁХЛИКНИНГ БАРЧА ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АСОС БЎЛАЁТИР

Қадим Самарқандга ер юзининг сайқали, деб бежиз таъриф берилмаган. Шу боис бу ердаги қадимий обидаларни зиёрат қилиш, қадимий доғруқ қетган буюк алломалар ва саркардаларига бешиқ бўлган кўҳна кентни ўз кўзи билан кўриш истагида бўлган сайёҳлар оқими йилдан йилга ортиб бормоқда.

Вилоят худудида бугун 1 минг 851 та моддий-маданий мерос объекти мавжуд. Туризм фаолияти билан шуғулланадиган 176 субъект (уларнинг 71 таси туроператор) ҳамда бир вақтнинг ўзида 4 минг 500 сайёҳни қабул қилиш имконига эга 105 замонавий меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. Сайёҳлик маршрутлари ҳамда субъектларнинг деярли барчаси Самарқанд шаҳри худудида жойлашган.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори туризмни мамлакатимизда, хусусан, Самарқанд шаҳрида жадал ривожлантиришда катта имконият яратди. Шаҳарда жойлашган собиқ "Алпомиш" заводи ўрнида хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда "Samarkand City" эркин туристик худуди барпо этилмоқда. Бунда замонавий меҳмонхоналар, коттежлар, кўнгилочар ва савдо марказлари, амфитеатр, дунёнинг турли халқлари ошонасига мансуб таомлар тайёрланадиган ресторанлар ва кафелар, бошқа туризм инфратузилмалар барпо қилинаётир.

Самарқанд давлат университети хиёбонида собиқ "Интурист" меҳмонхонаси ўрнида янги замонавий меҳмонхона комплекси барпо этилади. 2021 йилгача вилоятда 40 та янги меҳмонхона ишта тушириш, туристик объектларда маданий тадбирлар ўтказиш белгиланган. Шу йилнинг охиригача қиймати 26 миллиард 150 миллион сўмлик 14 янги меҳмонхона фойдаланишга топширилади.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги қарори

билан Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси тасдиқланди, — дейди вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Азиз Фафуров. — Мазкур концепцияга мувофиқ вилоят ички ишлар бошқармасида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Худуда таъриф буюраётган сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқарма таркибида алоҳида тузилма фаолияти йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, хавфсиз туризмни таъминлаш хизмати ходимларининг нафақат таҳсил қилмаси, балки муомала маданиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Улар тиббиёт кутиси, Самарқанднинг тарихий обиди ва маданий объектларини кўрсатувчи кичик харита билан таъминланган. Ходимлар асосан туристлар гажум бўлган жойларда назорат олиб боради. Мабодо туристлар адашиб қолса ёки ўзини ёмон ҳис қилганда, чарчоқ сезганда хизмат ходимлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, зарур чораларни кўришади.

Туризмни нафақат Самарқанд шаҳри, балки вилоятнинг барча худудида кенг ташкил этиш, сайёҳликнинг бир неча турини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ургут, Самарқанд ва Нуробод туманларида туризмнинг янги турлари — экологик, қишлоқ хўжалиги, спорт туризмни ривожлантириш, Шердор мадрасасида турли маданий тадбирлар уюштириш, Қўшработ, Ургут ва Самарқанд туманларида улоқ-кўпқари, Қўшработ туманида эса "Кишимш фестивали"ни ўтказиш режалаштирилган.

— Туризм салоҳиятини



билан Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси тасдиқланди, — дейди вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Азиз Фафуров. — Мазкур концепцияга мувофиқ вилоят ички ишлар бошқармасида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Худуда таъриф буюраётган сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқарма таркибида алоҳида тузилма фаолияти йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, хавфсиз туризмни таъминлаш хизмати ходимларининг нафақат таҳсил қилмаси, балки муомала маданиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Улар тиббиёт кутиси, Самарқанднинг тарихий обиди ва маданий объектларини кўрсатувчи кичик харита билан таъминланган. Ходимлар асосан туристлар гажум бўлган жойларда назорат олиб боради. Мабодо туристлар адашиб қолса ёки ўзини ёмон ҳис қилганда, чарчоқ сезганда хизмат ходимлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, зарур чораларни кўришади.

Туризмни нафақат Самарқанд шаҳри, балки вилоятнинг барча худудида кенг ташкил этиш, сайёҳликнинг бир неча турини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ургут, Самарқанд ва Нуробод туманларида туризмнинг янги турлари — экологик, қишлоқ хўжалиги, спорт туризмни ривожлантириш, Шердор мадрасасида турли маданий тадбирлар уюштириш, Қўшработ, Ургут ва Самарқанд туманларида улоқ-кўпқари, Қўшработ туманида эса "Кишимш фестивали"ни ўтказиш режалаштирилган.

— Туризм салоҳиятини

комплекс ривожлантиришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси жамоатчилик билан алоқалар бошлиғи Даврон Равшанов. — Хусусан, соҳа билан шуғулланадиган субъектларга бир қатор солиқ имтиёзлари тақдим этилди. Меҳмонхоналар бошқарув ходими сифатида жалб қилинган малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашда ягона ижтимоий тўлов тўлашдан, хорижий мутахассисларнинг даромадлари даромад солиғидан 2022 йилнинг 1 январига қадар озод этилди. Президентнинг 2018 йил 3 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида асосан асосий фаолияти тематик хиёбонлар хизматларини ташкиллаштиришдан иборат бўлган юридик шахслар тематик истироҳат боғларини фойдаланишга топшириш санасидан бошлаб 3 йил муддатга юридик шахслардан олинадиган фойда, ер, мол-мулк солиқлари ҳамда ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилади.

Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорида туризм соҳасида фаолият кўрсатадиган субъектларнинг солиқ солинадиган базаси Ўзбекистон туризм бренди ва "Uzbekistan.travel" сайти рекламиси бўлган босма маҳсулотларни (хариталар, рисолалар, буклетлар, флаерлар ва бошқалар), сувенир ва қадоқлаш маҳсулотларини (сумкалар, пакетлар, мактаб дафтларлари, ёрликлар, филофлар, кийим-кечаклардаги ва ошонча анжомларидидаги ёзувлар) тайёрлаш ва чоп этишга йўналтирилган харажатлар суммасига қамайтирилиши белгиланди.

Бундан ташқари, энди туристларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (давлат музейлари, галереялар, маданий мерос объектлари ва қўриқланадиган табиий худудлар маъмуриятлари) ўз фаолиятдан тушадиган тушумларнинг камида 5 фоизини ўз фаолияти ҳамда тақдим этаётган туризм хизматлари баён этилган реклама-тарқатиш материалларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрлаш ва ададини кўпайтириш учун мажбурий тартибда йўналтириш имконига эга бўлди. Чунки ушбу мақсадларга йўналтирилган харажатлар суммаси бу ташкилотларнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқариб ташланди.

Берилаётган бундай имконият ва имтиёзлар хорижий туристлар оқими ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти субъектлари сонининг кўпайишига хизмат қилади.

Ориф ХОЛИҚОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Санъат

МУСИҚА ИХЛОСМАНДЛАРИ УЧУН ТУҲФА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида хорижий давлатларнинг ижодий жамоалари билан биргаликда турли концертлар, премьералар, музикаий дастурларни томошабинлар эътиборига ҳавола этиш янги аёнанага айланган.

Ана шундай ҳамкорлик натижаси ўлароқ, мазкур театр саҳнасида Россиянинг етакчи оркестрларидан бири — П.Чайковский номидаги давлат академик катта симфоник оркестри иштирокидаги концерт дастури музика ихлосмандларига тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари О.Назарбеков, Россиянинг П.Чайковский номидаги давлат академик катта симфоник оркестри бош дирижёри ва бадий раҳбар В.Федосеев ва бошқалар маданият соҳасидаги ҳамкорлик томошабинлар учун янги дастурлар тақдим этиш, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Концертда жаҳоннинг машҳур композиторлари асарларидан намуналар янгради. Машҳур опералардан ариялар Ўзбекистон халқ артисти Рамиз Усмонов ҳамда россиялик опера хонандаси Василий Ладюк томонидан ижро этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА

Миллий иқтисод

“ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ”:

У ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламентида тақдим этган Мурожаатномасида илгор хоризжий тажриба асосида аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “истеъмол саватчаси” тушунчасини қонунчиликда мустақамлаш ва уни амалда таъминлаш механизминини яратиш ҳақидаги таклифи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда янгилик бўлди.



Биз нима учун буни янгилик деб айтаемиз? Чунки гарчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида “Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас”, деб кайд қилинган бўлса-да, лекин шу кунга қадар халқимизнинг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур даромадлар меъёрини кўрсатадиган “истеъмол саватчаси” тушунчаси белгиланмаган, унинг ҳуқуқий асослари қонунчилигимизда мустақамланмаган эди. Ҳолбуки, бу, бир томондан, мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини намоён этадиган, иккинчидан, давлатнинг халқ олдидagi мажбуриятларини қанчалик бажараётганини кўрсатадиган муҳим барометрдир.

“Истеъмол саватчаси”ни қонунчилик асосида белгилаб қўйишдан кўзланган асосий мақсад, аввало, ижтимоий соҳада долзарб бўлган энг муҳим йўналишларни ва ижтимоий давлат дастурларини қабул қилишда мамлакат аҳолисининг ҳаёт даражасини инобатга олишдир. Бу, содда айтганда, “ислоҳот ислоҳот учун эмас, энг аввало инсон манфаатлари учун”, деган тамойилнинг ҳаётга татбиқ этилишини англатади. Бу билан мамлакат қонунарига мувофиқ, иш ҳақи ва ёшга доир нафақаларнинг энг кам миқдори ўрнатилади. Кўп болали оилаларга, ишсизларга ижтимоий

ёрдам, стипендия ва бошқа ижтимоий тўловларнинг ҳаётий миқдори белгиланади. Кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳуқуқи тартиби жорий этилади. Давлат томонидан кафолатланган таълим, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ва бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг энг кам стандартлари аниқланади, фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромадларининг паст кўрсаткичдаги миқдори ўрнатилади. Энг муҳими, бунинг натижасида мамлакатнинг Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларини шакллантиришда аҳолининг кам таъминланган ижтимоий қатламлари манфаатлари инобатга олинади. Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларни бундай тартибда қабул қилиш орқали фуқароларга муносиб турмуш шароитини яратишга эришилади.

Бугунги кунда дунё амалиётида, турли мамлакатларда, аҳолининг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “истеъмол саватчаси”ни бир неча усулда аниқлаш тажрибаси мавжуд. Биринчиси, статистик усул бўлиб, бунда “истеъмол саватчаси” мамлакатда яшаётган ва энг кам даромадга эга бўлган фуқароларнинг 10-20 фоизи оладиган даромадлар даражасидан келиб чиқиб белгиланади. Мазкур усулни аҳоли оладиган даромадлари бир мунча юқори даражада бўлган мамлакатларда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иккинчиси, ижтимоий ёки субъектив ёндашув. Ушбу усулда аҳоли яшashi учун зарур бўлган энг кам даромад миқдори ҳақида ижтимоий сўров ўтказилади. Ушбу усул кўпроқ масъалаларни аҳолининг ҳаёт даражаси, давлатнинг реал иқтисодий имкониятларини кўрсатмайди, балки одамларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини аниқлашда қўл келади. Учинчиси, ишлаб чиқариш ресурс-

лари (бойлик)га асосланган усул, яъни мамлакатнинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Аҳолининг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган даромадларни аниқлашнинг бундай усули, асосан, тараққий топган мамлакатлар тажрибасида учрайди.

Тўртинчиси, комбинацияланган усул. Бунда ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган даромадлар миқдори бир неча усул асосида белгиланади. Масалан, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлар қатъий белгиланган меъёр асосида, уй-жой, коммунал ва бошқа хизматлар учун сарф-харажатлар, ҳақиқатда амалда бўлган тўлов суммасидан келиб чиқиб аниқланади. Аҳолининг ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари эса, умумий харажатлардан келиб чиқиб, фойз асосида белгиланади.

Албатта, юқорида кўрсатиб ўтилган аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадлар, яъни “истеъмол саватчаси”ни аниқлаш бўйича тартиб-қоидалар қонун асосида амалга оширилади. Масалан, Россияда 1997 йил 24 октябрда “Россия Федерациясида яшash учун энг кам миқдор ҳақида”ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонун жами саккиз моддадан иборат бўлиб, унда асосий тушунчалар (“истеъмол саватчаси”, “яшash учун энг кам миқдор”, “оила”, “аҳолининг асосий ижтимоий-демографик гуруҳи”, “оиланинг ўртача ойлик даромади” в.б.), яшash учун энг кам миқдорни тайинлаш, “истеъмол саватчаси”ни белгилаш, яшash учун энг кам миқдорни белгилаб бориш мuddати ва уни ўрнатиш, Россия Федерацияси субъектларида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадида яшash учун энг кам миқдорни ҳисобга олиш, шунингдек, ушбу миқдор кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб бориш тартиби белгиланган.

Қозғоғистон Республикасида эса “Энг кам ижтимоий стандартлар ва уларнинг кафолатлари ҳақидаги” қонун 2015 йил 19 майда қабул қилинган. Ушбу қонун жами 39 моддадан иборат бўлиб, унда соҳани тартибга солишга қаратилган барча тартиб-қоидалар

қатъий белгилаб қўйилган. Эътиборлиси, қонунда ҳаволаки нормалар жуда кам қўлланилган. Аҳолининг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган энг кам миқдорни белгилаш тартиби ва унда меҳнат, ижтимоий таъминот, таълим, она ва бола, соғлиқни сақлаш, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, шунингдек давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдам кўрсатиш учун энг кам миқдорни белгилаш назарда тутилган. Албатта, буларни қонуннинг энг муҳим жиҳатлари деб айтиш мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида белгиланган аҳолининг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “истеъмол саватчаси”га оид муносибатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди.

Унда “истеъмол саватчаси” тушунчаси ва уни аниқлаш мезонлари, аҳолининг реал даромадлари, иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар миқдорини ҳудудлар кесимида “истеъмол саватчаси”га муносиблигини босқичма-босқич таъминлаш назарда тутилган.

Мазкур ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишга масъул бўлган вазирликлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар аввало, аҳолининг талаблари ва истакларини инобатга олиб, миллий қонунчилигимизда тўпланган тажриба, шунингдек, иқтисодий тараққий топган мамлакатлар эришган ютуқларга таянган ҳолда иш олиб борса, айни муддао бўлар эди. Албатта, бунда кўпчилик — аҳоли ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки фойдалан ҳоли бўлмайди.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди
котибият мудири,
юридик фанлари номзоди

Фаолият

Ота-боболаримиз қадимдан табиий бойликларни азиз билган, хусусан, сувнинг ҳар бир томчисини асраб-авайлаган, оловни муқаддас санаган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “*Ер, ер ости бойликлари, сув ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидир*”, деб белгиланган. Мамлакатимизда янги тизим — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилишидан бош айни шундай мақсад назарда тутилган. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки инсон умргузаронлик қилаётган ер сайёрасидаги барча моддий бойликнинг меъёри ва ўлчови бор: ҳеч нарса беҳисоб ёки абадий эмас...

ТўЛОВ МАДАНИЯТИ
ЎЗ НАВБАТИДА, ИСТЕЪМОЛ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



давом этди.

— Бугунги ҳаётимиз, турмуш тарзимизни сув ва энергия ресурсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди Р. Раҳматов. — Ватанимиз — Ўзбекистон жаннатмонанд маконда жойлашган. Бунда тўрт фазл тенг амал қилади. Диёримиз дарё ва анҳорларида чучук сув бисёр. Улкан газ қонларимиз мавжуд. Лекин афсуски улар беҳисоб эмас. Бу эса ҳаммамиздан табиий бойликларимиздан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишимизни талаб қилади. Бир тасаввур қилиб кўринг: бир киши агар 15 ватт-ли ёриткичи бир соатга беҳуда ёқишдан сақланса, бир кунда 0,015 киловатт, бир ойда 0,45 киловатт, бир йилда эса 5,4 киловатт-соат энергияни тежайди. Энди бу рақамни Тошкент шаҳрида яшаётган уч миллионга яқин аҳолига қўпайтириб кўринг:

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Равшан Раҳматов билан суҳбатимиз шу мавзуда

миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармон қабул қилди. Мазкур фармонлар асосида Мажбурий ижро бюроси зиммасига аниқ вазифалар юклатилди, унинг ҳуқуқи ва ваколатлари белгиланди.

— Назаримда, Мажбурий ижро бюроси амалга ошираётган ишлар муаммо ечимининг бир жиҳати, лекин шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни ҳам унутмаслик керак. Бу — истеъмолчининг тўлов маданиятини шакллантириш масаласи. Афсуски биз ҳали унга эришганимизча йўқ...

— Президентимизнинг юқорида тилга олинган ҳар икки фармонида ҳам масаланинг айни шу жиҳатида алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонда мамлакатимиз Халқ таълими, Олий ва ўртаққозо этади. Бир тасаввур қилиб кўринг: бир киши агар 15 ватт-ли ёриткичи бир соатга беҳуда ёқишдан сақланса, бир кунда 0,015 киловатт, бир ойда 0,45 киловатт, бир йилда эса 5,4 киловатт-соат энергияни тежайди. Энди бу рақамни Тошкент шаҳрида яшаётган уч миллионга яқин аҳолига қўпайтириб кўринг:



миллиард-миллиард сўм маблағини тежаб қолган бўламиз.

Айни пайтда Тошкент шаҳрида бир ойда ўртача 460 миллион киловатт-соат электр энергияси истеъмол қилинади. Республикада электр энергиясининг 83,2 фоизи табиий газ, 10,6 фоизи гидроэлектрстанциялар, 5,4 фоизи кўмир, 0,85 фоизи мазут ёқилгиси воситасида ишлаб чиқарилади. Кўрпясизми, юқоридигиларнинг бирортаси ҳам қайта тикланувчи манба саналмайди, яъни электр энергия ишлаб чиқариш учун бошқа бир табиий бойлик ресурсини сарфлашга тўғри келади.

Газ ва сув тежамкорлиги борасида ҳам айнан шундай фикрни айтиш мумкин. — **Электр энергияси, сув, газни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга чала бўлган жараён катта меҳнат ва маблағни талаб қилади. Бозор ёки дўкандан нимадир харид қилсанг, аввал пулини тўлайми. Аммо сўнги йилларда жисмоний ва юридик шахсларнинг электр энергияси, сув ва газ истеъмолидан катта миқдорда қарзи мавжудлиги ҳақида кўп гап-сўз бўлди. Мажбурий ижро бюросининг ташкил этилишини ҳам ана шундай эҳтиёжнинг натижаси, мавжуд муаммонинг ечими, дейиш мумкин. Шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, сўнги йилларда электр энергияси, газ ва сувдан катта миқдорда қарздорлик пайдо бўлиб қолгани сир эмас. Масалан, 2017 йил давомида биргина Тошкент шаҳрида Мажбурий ижро бюроси электр энергиясидан 727 миллиард 697 миллион сўм, газдан 337 миллиард 163 миллион, 2018 йилнинг январь ва февраль ойларида эса электр энергиясидан 194 миллиард 11 миллион сўм, газдан 161 миллиард 894 миллион сўм, сувдан 40 миллиард 895 миллион сўм миқдориди қарз ундирди.

Ишлаб чиқарувчи ҳам ўз маҳсулотини тайёрлаш ва етказиб бериш учун маблағ керак. Маблағсиз маҳсулот ишлаб чиқариб бўлмайди. Пиловардида улардан фойдаланишда узилтирилган, эътирозлар пайдо бўла бошлади. Мажбурий ижро бюроси ана шундай муаммоларга ечим топish мақсадида ташкил этилди, десак тўғрироқ ва аниқроқ бўлади.

Бу муаммоларга ечим топish учун, энг аввало, ҳуқуқий асос керак эди. Шу боис давлатимиз раҳбари 2017 йил 29 майда “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустақамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2017 йил 16 ноябрда “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан тако-

Сухбатдош: Исмаи ХУДОЁРОВ

МММда

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАДАГИ УЙ-ЖОЙЛАР

АРЗОН, СИФАТЛИ ВА ШИНАМ ҚИЛИБ ҚУРИЛАДИ

Президентимизнинг 2018 йил 18 январдаги “2018 йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсади дастурларни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жорий йилда мамлакатимизда 20 мингта уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Уларнинг 8 минг 613 тасини “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки молиялаштиради.

Бу ҳақда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ Миллий матбуот марказида “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қуриш борасида эришилган натижалар: тажриба, амалиёт ва муаммолар” мавзусида ўтказган матбуот анжуманида маълум қилинди. Унда банк мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарори бу йўналишда янги босқичга асос бўлди. Мазкур қарор асосида аҳолининг реал эҳтиёжи, харид қобилияти, миллий менталитети ва ҳудудга хос яшash шароити тўлиқ ҳисобга олинмоқда, қурилиш сифати ва юқори самарадорлигини таъминлайдиган янги ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда.

— Амалга ошириляётган чора-тадбирлар оилаларни арзон, сифатли, шинам уй-жой билан таъминлаш, қишлоқда янги муҳандислик-коммуникация, ижти-

мой ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашмоқда, қишлоқ қиёфасини янги даражага кўтариш ва шу асосда аҳолининг ҳаёт даражасини яхшилаш ва дунёқарашини ўзгартириш имконини бермоқда, — дейди АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Акбар Эшонқулов. — Қарорга мувофиқ намунавий лойиҳадаги уй-жойларнинг арзон намуналари жорий қилиниб, 1 ва 2-типдаги уй-жойлар учун бошланғич бадал маблағлари 25 фоиздан 15 фоизга камайтирилади. Шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари сифатига қўйиладиган талаблар оширилиб, асосий қурилиш материаллари ва буюмларга қурилиш-пудрат ташкилотларининг харажатларини оптималлаштириш ҳисобига ҳамда Дастур иштирокчилари учун солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар берилиши туфайли барпо этиладиган намунавий уй-жойлар қийматининг пайтирилишига эришилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун қурилиш режалаштирилган уй-жойлар бўйича аҳолининг бошланғич бадал маблағлари шакллантирилмоқда.

Матбуот анжуманида намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилишини кредитлаш йўналишида банк томонидан ажратиладиган ипотека кредитларини расмийлаштириш тартиби бўйича зарур маълумотлар берилиб, журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Реклама ўрнида

ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Самарқанд вилоят кенгаши тасарруфидagi Техник ва амалий спорт турлари маркази ўтказаятган кўплаб тадбир, амалий ва техник спорт мусобақалари мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимлар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш каби вазифаларни бажаришда давлат ташкилотларига кўмакдош бўлмоқда.

Ташкилотнинг ёшларни Ватанга садоқат ҳамда миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари билан бир қаторда аҳолининг барча қатламини кенг қамровли оммавий спорт мусобақаларига жалб этишга қаратилган эзгу сазий-ҳаракатлари ҳам таъминлаш лойиҳа, буни ташкилот ўтказаятган кўплаб тадбирлар мундарижаси, иш режасидан ҳам яққол кўриш мумкин.

— Ташкилотда Қуролли Кучларимиз учун техник мутахассислар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга

оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Самарқанд вилоят кенгаши раҳбари Фирдавс Жалолов. — Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган турли тадбирлар, танлов ва спорт мусобақалари ташкил этиляптир. Хусусан, қатор умумтаълим мактабларида маънавият, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, оммавий-ташкилий ишлар йўналиши бўйича турли тадбирлар, мусобақалар ташкил этиб, ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида фикр алмашаяптир.

Ташкилотда йил ҳисоби бўйича юздан ортқ спорт мусобақаси ўтказилади. Шу боис, бу масканга қизиқувчи ёшларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ерда 17 спорт тўраги фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 518 йилгит-қиз мусобақаларда мунтазам иштирок этмоқда. Утган йилда 38 спортчи ёшнинг турли спорт тоифасига эга бўлгани ҳам жамоанинг ибратли ютуқларини кўрсатади. Бундан ташқари, марказ жамоасининг республика миқёсидаги мусобақаларда эришяётган

ютуқлари ҳам салмоқли. 2017 йилда ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги мусобақаларида ғолибликни айнан мазкур марказ жамоаси қўлга киритди. Дуатлон, автомобиль ва авиамодель спорт тури бўйича республика бахсларида ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғоналарини банд этишди. Бундан ташқари, жамоа триатлон, эркин учар авиамодель, ракета модели ҳамда кордди авиамодель спорт тури бўйича ўтказилган мусобақаларнинг республика босқичида тўртала тур бўйича ҳам учинчи ўрин соҳибига айланди.

Жамоада ўз касбининг жонқуярлари бўлмиш Ленера Асанова, Фарҳод Бақиев, Алина Аюпова, Шухрат Обиджонов, Дмитрий Зайцев, Аслам Истамов сингари мураббийлар ёшларга ўз маҳоратларини кунт билан ўргатмоқда. Зеро, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг спорт мусобақаларига жалб этиш, ҳақиқий ватанпарварларни тарбиялаш нафақат мамлакатимиз мудофаасининг юксалишига, балки навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайишига хизмат қилади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Хизматлар лицензияланган

Бизнинг шарҳ

ЕР — ЯГОНА УЙИМИЗ



2009 йил БМТ Бош Ассамблеяси ҳар йили 22 апрелда Халқаро Она Ер кунини нишонлаш борасида резолюция қабул қилди. Бу ташаббусни 50 дан ортиқ мамлакат илгари сурди ва бошқа давлатлар яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. 2010 йилдан бошлаб ҳар йили 22 апрелда бу байрам халқаро миқёсда нишонланади.

Айни дамда ҳали гарчи норасмий бўлса-да, фазодан суратга олинган Ер шарини эслатувчи сайёрамиз байроғи ҳам қабул қилинган.

Ер сайёраси кунини билан боғлиқ ташаббус ва тадбирлар бу қадар тез ва кенг ёйилиши, албатта, бежиз эмас. Чунки бугун инсоният глобал иқлим ўзгаришлари каби муаммолар билан рўбарў турибди. Инсониятнинг табиат қонуниятларига амал қилмаслиги, табиий ресурслардан беаёв фойдаланиши, Ер юзиде ишлаб чиқариш суръатларининг кескин ортиши, транспорт воситаларининг кўпайиши ва бошқа кўплаб техноген ва антропоген таъсирлар натижасида атмосферага чиқарилаётган карбонат ангидрид, метан ва азотнинг чала оксиди каби иссиқхона газлари қуёш энергиясининг Ер сатҳида жамланиб қолишига, бу эса, ўз навбатида, дунё об-ҳавосининг меъёрий даражасидан ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ҳароратнинг кескин ошиши келажакда денгиз сатҳи кўтарилишига, қишлоқ ҳўжалиги ерларини сув босишига, чучук сув манбаларининг шўрланишига, табиий офатларнинг ортишига олиб келади. Бундан ташқари, иқлим минтақаларининг қутбларга қараб қўчиши натижасида қуруқлик юзасининг катта қисмида тупроқ намлиги камайиб кетади. Ёзги қуруқчиликнинг ортиши оқибатида ўсимликлар ҳосили 10-30 фоизгача камайиши мумкин. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳароратнинг атиги 1 даражага ортиши сабабли буғланиш тахминан 5 фоизга кўпаяди.

Бундан ташқари, глобал иссиқ чўланишнинг тезлашиши, табиатда биологик турлар хилма-хиллигининг қисқариши, ёғинларнинг баъзи ҳудудларда кўпайиб, бошқа ҳудудларда камайиши каби кўплаб экологик муаммоларга сабаб бўлиши кутилмоқда. Ёғинларнинг камайиши ва буғланишнинг ортиши қишлоқ ҳўжалик ерлари, ўрмон, ботқоқлик ва бошқа экотизимларга ўнглаб бўлмас даражада улкан зарар етказиши. Қолаверса, иқлим ўзгариши сайёрамиз аҳолиси ўртасида юрак қон-тонир,

юқумли ва аллергия касалликлар авж олишига олиб келади.

Бугун Она сайёрамиз ва инсоният дуч келаятган экологик муаммолардан яна бири озон тўйнуғи пайдо бўлгани билан боғлиқ. Атмосферанинг озон қатлами курраи заминимизда ҳаёт мавжудлигининг энг муҳим шартини саналади. Бироқ инсониятнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш фаолияти оқибатида сайёрамизни қуёш радиациясидан ҳимоя қиладиган ушбу "табиий ўров" шиддат билан юпқалашиб бормоқда. Атмосферадаги мавжуд озон миқдори — уч миллиард тонна бўлиб, у ҳавонинг миллиондан уч фоизини ташкил этади. Бу қатлам қуёшнинг тахминан 90 фоиздан зиёд миқдордаги зарарли ультра-бинафша нурларини ўзига ютиб, Ердаги барча тирик организмларни асраб қолади. Олимлар-



нинг ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда озон қатлами емирилишига сабаб бўлувчи омилларнинг барчасига барҳам берилганда ҳам, унинг бутунлай тикланиши учун камида бир аср вақт керак.

Халқаро Она Ер кунини ҳар йили Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланади. Шу кунини кенг жамоатчилик иштирокида жойларда турли семинар, конференция ва фестиваллар ўтказилади. Тадбирларга табиатни асраш, ҳайвонот ва наботот турларини кўпайтириш ва сақлаб қолиш борасида жамоатчилик ва ёшларга кенг тушунча ҳамда маълумотлар берилади. Қишлоқ

ҳўжалигида йил давомида амалга ошириладиган ишлар билан таништирилади.

Мамлакатимизда 2018-2019 йилларда ирригация тармоқларини ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастурига мувофиқ ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув ҳўжалиги объектларини кум босишига қарши 3 минг гектарга яқин майдонда иҳота дарахтзорлари барпо этиш ва реконструкция қилиши ишлари белгиланган. 1 минг 86 километр узунликдаги канал ўзанларини бетон билан қоплаш, 661 километр лотокларни янгидан бунёд этиш, 109 та йирик гидротехник иншоотлар қуриш ва янги насос станцияларини ўрнатиш режалаштирилган. Бунинг натижасида 1 миллион 200 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланиши кутилмоқда.

Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган 2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастурига мувофиқ чўлланишга қарши кураш ва сув ресурсларини бошқариш чора-тадбирлари доирасида Орол денгизининг қуриган тубида 20 минг гектар майдонда ўрмон барпо қилиши ишлари амалга оширилмоқда.

Ер, ўз навбатида, улкан миллий бойлик ҳам саналади. Шу боис ундан оқилона фойдаланиш, мамлакатимизда ер қонуничилигини янада такомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари Ер кодекси меъёриларини янада такомиллаштириш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қишлоқ ҳўжалигига мў-

жалланган суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг белгиланган талабларини бузганлик учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш устида иш олиб борилмоқда.

Ер шарини бизнинг ягона уйимиз. Шу сабабли уни кўз қорачигимиздек асрашимиз керак. Чунки фарзандларимиз, келажакда эса авлодларимиз ифлосланган сув ичиб, ифлосланган ҳаводан нафас олиб яшашларига йўл қўйиб бўлмайд.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ, халқаро шарҳловчи



АФРИКАДАН ҚАДИМИЙ КУТУБХОНА ТОПИЛДИ



Француз археологлари Суданда жойлашган, эраимиздан аввалги XIV асрда Аменхотеп IIIнинг рафиқаси Тиега бағишлаб барпо этилган мақбара ҳаробаларидан тарихий матн

ва жадваллар тўпламини топди. Улар қадимий қуш тилида битилган. Мутахассислар топилма-нинг ёшини 2 минг 700 йил, деб тахмин қилмоқда.

Бундан ташқари, тобут, меҳроб ва пештоқларда мероит тилидаги битиклар ҳам аниқланган. Бу тил миллоддан аввалги II асрдан миллодий V асргача Нубия ва Суданнинг шимолида истиъмолда бўлган. Бироқ фиръавн Тутмос I даврида мисрликлар томонидан босиб олинган қадимий Қуш ҳўқонлигининг халқи ва унинг тили бугунга келиб йўқ бўлиб кетган. Меровит тили алифбоси қадимги Миср ҳарфлари асосида яратилган.

АСАЛАРИЛАР УЧУН СУНЬИЙ ГҮЛ



Расом Майкл Кэнди ноёб ихтиро муаллифица айланади.

Гап шундаки, бундан бир неча йил аввал АҚШ тадқиқотчилари гуллар камайиб кетгани сабаб дунё миқёсида 42 фоиз асалари қирилиб кетгани ҳақида маълумот тарқатган эди. Бунга урбанизация жараёни ва экологик ҳолатнинг ёмонлашуви асосий сабаб қилиб кўрсатилган. Кэнди ана шундан сўнг суньий гул яратишга қарор қилди. У сариқ рангли бўлиб, тўртта гулбарга эга. Ҳар бир гулжоса марказида нектар узатиш учун найча, унинг атрофида учта суньий гулчанг ўрнатилади. Расом ҳозирча гулчанг яратишга улгурмаган, уни ҳақиқий асалари инидан олиб туришга тўғри келмоқда. Майкл Кэнди ихтироси асалариларни кўпайишига хизмат қилишига ишонади.

— Асалариларнинг табиатда бўлиши Ердаги хилма-хилликни сақлаш учун зарур. — дейди биолог Александр Кулинич. — Улар ўсимликларни чанглайиб, ҳосилдорликни ўштиради. Бу ихтиро агар муваффақиятли амалга ошса, табиат учун ҳам, фан учун ҳам жуда катта янгилик бўлади.

РОБОТ МАТБУОТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛАДИ



Санкт-Петербург давлат университетининг илтимой жараёнларни моделлаштириш ва таҳлил қилиш лабораторияси мутахассислари газета ўқий оладиган робот ихтиро қилди. Робот мақоланинг услуби асосида эсамиятининг кайфияти қай даражада ўзгаришини аниқлайди ва таҳлил қилади.

Робот-дастур муаллифи Олег Граничиннинг айтишича, робот дастлаб газетадан бирор ахборот мавзусини белгилаб олади. Масалан, у ҳар кунини ёки ҳафтада бир марта газеталарнинг биринчи саҳифасидаги маълумотларни ўқийди ва таҳририятдаги услубий ўзгаришларни таҳлил қилиб, "жамий кайфияти" моделини яратди. Бироқ у бунинг тўғри даъват ёки ахборот сўзлари воситасида эмас, мақоланинг услубий нозикликларини асосида амалга оширади.

Мутахассислар тажриба жараёнида Мисрнинг "Al-Ahram" газетасининг 2010-2014 йиллардаги сонларидан фойдаланган. Роботлаштирилган тизим таҳририй услублардаги ўзгаришлар графикаси воситасида "араб баҳори", деб номланган давлат тўнтарининг келиб чиқишини аниқ кўрсата олган.

МУЛЬТФИЛМ ЯРАТИШДА КАТТА ҚАДАМ



АКШнинг Аллен суньий ақл институти жамоаси ва Иллиной университетининг мутахассислари ҳамкорликда матн асосида анимация ҳосил қилувчи алгоритм яратди.

Экранлаштиришнинг бу тури гарчи реалликдан анча йироқ бўлса-да, лексин суньий ақл ўз вақтисини аъло даражада удаламоқда.

Дастурчилар CRAFT номили алгоритмга "The Flintstones" ("Флинтстонлар оиласи") мультфильмидаги ҳар бири 75 та қаддан иборат уч сонияли 25 мингдан ортиқ сахна кўринишини жойлаштирди. Муаллифлар эпизодлар, тушунчалар, кадрда айнан қайси персонаж борлиги ва улар нима қилаётганини ҳам назардан четда қолдирмади. Суньий ақл булар воситасида у ёки бу сўзни объект, ҳолат, фон ва ҳаракат билан боғлайди. Дастур ана шундан сўнг анимацияларни матн асосида мустақил яратди. Ихтиро қисман натижа берди, бироқ видеореалистик ҳали қўлда қизилган анимация даражасида эмас. Бундан ташқари алгоритм айрим хатоликларга йўл қўйди. Лексин дастурчиларнинг ҳаракатли суратлар яратувчи алгоритм тузиш борасидаги бу ишини истиқболли саъй-ҳаракат сифатида баҳолаш мумкин.


Сардор ЭШПҲАТОВ тайёрлади.

Рангин дунё

ГЕОГРАФИК НОМЛАР

АСОСАН МАМЛАКАТ ЎРНИ, ТАРИХИ ВА ОРЗУ-УМИДИНИ ИФОДАЛАЙДИ

Ҳар бир нарсанинг номлини тарихи бўлади ва у муайян маънони англатади. Шу эҳсондан, мамлакат номлашнинг ҳам. Айрим давлатлар номини ўзбек тилига ўргасангиз, сиз кутмаган маъно келиб чиқади. Баъзи номлар мамлакатнинг географик эҳсондан туганган ўрни ёхуд ҳозирги даражасини намоён қилиши мумкин. Бироқ кўп ҳолларда давлат номи "исми эҳсонида монанд эмас"дек туюлади.



Масалан, Норвегия "шимолий йўл мамлакатини", Вьетнам ва Австралия эса "жануб мамлакатини" деган маънони англатади. Япония — "Кун чиқар юрт", Хитой — "Осмон ости мамлакатини", Корея эса "Тонг боқиралиги ўлкаси". Австрия немисча "Остеррайх" деб юритилиб, ундан "шарқий мамлакат", деган маъно келиб чиқади. Ирландия атамаси эса "эйре" сўзидан олинган бўлиб, "ғарбий орол" дегани. Экваторнинг номи "экватор" атамасидан келиб чиққан.

Тинч океанидаги Тувалу давлатининг номи "яқин атрофда 8 та орол бор", деган маънони англатар экан. Нидерландия жойлашган ўрнига мос ҳолда, "қуйидаги мамлакат" дегани.

Бир қатор мамлакатларнинг номлашига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳам сабаб бўлган. Бразилиянинг номлаши мазкур мамлакатда ўсадиган қизил рангли паубразил дарахти номидан олинган. Африкадаги Мали эса маҳаллий малинка элати тилида "бегемотлар мамлакатини" маъносини англатади. Бу давлат пойтахти Бамако "тимсоҳ ортидаги қишлоқ"

дегандир (шаҳар гербида тимсоҳ акс этган). Африкадаги яна бир давлат Уганда пойтахти Кампала эса "оҳу" маъносини англатади.

Сомали номи маҳаллий тилда "сао сомао" деб номланиб, "бориб сизнинг соғ" дегандир. Бу юрда шохли ҳайвонлар шу қадар кўпки, халқ ибораси билан айтганда, бу ерда сув ўрнига ҳам сут ичиш мумкин. Испания қадимий карфаген тилидан таржима қилинганда "қуёнлар мамлакатини" маъносини англатади. Бу мамлакатда бир пайтлар қуёнлар шу қадар кўп бўлганидан, ҳатто танга пулларда ҳам қуёнларнинг сурати солинган.

Ер юзидеги айрим мамлакатларнинг ном-

лаши минтақада жойлашган тоғ, қўл, дарё номларидан келиб чиққан. Жўғрофий номлар ҳатто янги пайдо бўлган ёш давлатларга ҳам қўйилган. Африкадаги Камерун давлати вулкон номи билан аталади. Қитъадаги Нигерия, Сенегал, Гамбия, Конго ва Жанубий Америкадаги Парагвай номи минтақадан оқиб ўтувчи дарё номи билан аталади. Ҳатто Ҳиндистон ҳам Ҳинд дарёси шарафига қўйилган.

Африкадаги Намибия давлати номи бу юрдаги чўл, Чад эса шу номдаги қўл билан боғлиқлигидан ҳамма ҳам бохабар бўлмаса керак. Танганьика қўли ва Занзибар ороли номларидан Танзания мамлакатининг номи пайдо бўлган. Марказий Америкадаги Куба, Ямайка, Тринидад ва Тобаго, Барбадос, Гренада оролларида пайдо бўлган янги давлатларга шу ороллари номи берилган. Европадаги Ирландия, Исландия, Маъта давлатларининг номи ҳам ороллар шарафига қўйилган. Исландия "музликлар ери", Гренландия эса "ям-яшил ер" деган маъноларни англатади. Осиёдаги Кипр, Шри-Ланка, Филиппин давлатларининг номи ҳам ороллар номидан келиб чиққан.

Номлари зикр қилинган давлатларни омадли яъни номи ўзига мос, дейиш мумкин. Аммо шундай давлатлар ҳам борки, бунинг акси — "исми жисми"га мутлақо мос эмас. Масалан, маҳаллий Уругвай дарёси номи билан аталувчи Уругвай давлатининг номи "қуш думи" маъносини англатар экан. Гватемала "чириган дарахт" маъносини беради. Панама "капалак" дегани. Бироқ кўпчилик Панама деганда шу номдаги шляпани тушунади. Аслида бу бош кийимни илк бор экваторликлар кийган. Аслида эса Европада асосан Панама

Ш. ТўЛАГАНОВ тайёрлади.

Мақтабгача таълим

БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ

БОҒЧАГА ФАРЗАНДИ УЧУН КЕЛГАН ОТА-ОНАЛАРГА КИТОБ ҲАМ БЕРИЛМОҚДА

Таълим тизимининг илк бўғини ҳисобланган мақтабгача таълим бутун тизимнинг асосий мақсади бўлган баркамол авлодни тарбиялаш ва камолга етказишда муҳим аҳамият касб этади.



бой тасавуридан келиб чиққан ҳолда тайёрланган буюмлар бу ерда ташкил этилган кўргазмалар бурчагини безаб турибди.

Деворий газеталарда акс эттирилган турли расми ва безакли йўл ҳаракати қоидалари, Конституциядан келтирилган моддалар, алломаларнинг ибратли фикрлари, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш

Пахтакор туманидаги 10-сонли "Шодлик" мақтабгача таълим муассасасида келажак эгаларининг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун барча зарур шарт-шароит муҳайё этилган.

...Мақтабгача таълим муассасасида гўе эртақлар шаҳарчасига тушиб қолгандек бўласиз. Муассасада "Шухрат" медали соҳиббаси Тоҳир Холлова раҳбарлик қилаётган "Қалдирғоч" гуруҳи тарбияланувчилари ясаган буюм ва уйинчоқлар шаклан оддий бўлса-да, бежиримлиги билан кишида ҳавас ва ҳайрат уйғотади.

борасидаги суратли лавҳалар болажонларнинг билим ва дунёқарши кенгайишига хизмат қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур мақтабгача таълим муассасасида тажрибали тарбиячилар замонавий педагогик технологиялар, инновацион воситалардан ҳам унумли фойдаланмоқда.

— Бугунги глобаллашув жараёни фарзандларимизнинг маънавий олами асраб-авайлашни, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, онгу-шуурини болаликдан қўриқиб туриш ёт фоялардан ҳимоялашни тақозо этмоқда, — дейди муассаса раҳбари Жамила Абулқосимова. — Муассасамизда қизиқарли машғулотлар билан бирга мусиқа, тасвирий санъат, рақс,

спорт, экологияга оид турли тўғарақларнинг йўлга қўйилгани кичкинтойлар тафаккур доирасининг кенгайиши, илк билимларининг шаклланиши, мустаҳкамланиши ва бойишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, болаларни соғломлаштириш, чиниқтириш, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш учун барча шароит яратилгани боис тарбияланувчиларимиз 2017-2018 ўқув йилида шахмат-шашка бўйича ўтказилган мусобақанинг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам ютуқларимиз салмоқли.



Фарзандларимизнинг айна шу ёшда оила ёки мақтабгача таълим муассасалари бағрида бўлишини инобатга олсак, бу ота-она ва тарбиячи-мураббийларга катта масъулият юклайди. Зеро, "Нима эксанг, шуни ўрасан", деган нақлнинг тилдан-тилга ўтиб юриши ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, бола мурғак қалби билан дунёни англашга, унинг сир-асрорларини билишга интилади. Ота-онасидан билиши лозим бўлган нарсаларни сўрайди. Бу узлуксиз таълим-тарбия жараёни яхши англаган мактабгача таълим муассасаси ходимлари ва ота-оналарнинг сая-ҳаракати билан ушбу масканда мингга яқин бадиий адабиёт ва ўқув қўлланмаларига эга кутубхона ташкил этилган. Тарбияланувчиларнинг ўқиш қобилияти тўлиқ шаклланмаганлиги боис, мазкур кутубхона фондидаги китоблардан ота-оналар ҳамкорлигида фойдаланиш йўлга қўйилган.

Фарзанди боғчадан олиб кетишга келган ҳар бир ота-она қўлига битта китоб ҳам тутқазилмоқда. Бу болаларнинг китобга бўлган қизиқиши, келажакда оқил фарзандлар бўлиб етишида мустаҳкам замин вазифасини ўтайди.

Абдулла САИДОВ, журналист

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

БАҲОРНИНГ ЭРТАПИШАР "ТАОМИ"



Кулупнайга одатда шундай тариф берилади. Чунки унинг таркиби шаккар, турли витамин, фоллий кислотаси, целлюлоза, каротин, пектин, темир, кобальт, калий, фосфор ва марганец каби моддаларга бой.

Кулупнай мевасидан гипертония, склероз, қабзият ҳамда ошқозон-ичак касалликларини даволашда фойдаланилади. Экзема (теги касаллигининг турли кўринишларини даволашда ҳам кулупнай меваси тавсия этилади. Шунингдек, моддалар алмашишунини метаболитларни, юрак, буйрак ҳамда камқонлик билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишда фойдаланилади.

Қалқонсимон без яллиғланса, кулупнай мевасини истеъмол қилган маъқул. Чунки у бактерияларга қарши фаол қуршади. Кулупнай шарбати ички органларда тош тўпланмишидан сақлайди. Гарчи таркибиде шаккар кўп бўлса-да, қанд миқдорини камайтириш хусусиятига эга. Инсон танасидаги ортиқча сувни ҳайдайди. Кулупнайни мунтазам истеъмол қилиб туриш иштаҳани очади. Таркибиде анти оксидантлар қўплиги боис кайфиятни кўтарди, бактерия кўзгатувчиларга қарши қурашади, организмни витамин билан таъминлашга кўмаклашади.

Таркибиде калий моддаси юрак мушаклари ва артерия қон босимининг бир маромда ишлашига ёрдам беради. Асаб тизими импульсларини кучайтиради, ҳафқонликнинг олдини олади, миангич кислородга тўйинишига замин яратади. Меваси таркибидеги калий ва фтор тиш ва суякларни мустаҳкамлайди.

2-3 дон кулупнай меваси эзилгач, устига бир стакан қайноқ сув қўйилади. 20 дақиқа совутилиб, кун даврида оғиз бўшлиғи 5-6 марта чайқалса, томоқ шамоллаши, нафас олиш йўллари фаолияти яхшиланади. Камқонликда ҳар куни ярим килограмм кулупнай истеъмол қилиш тавсия этилади.

Кулупнай мевасини ҳатто бир ёшли соғлом бола ҳам истеъмол қилиши мумкин. Бироқ аллергияга мойиллиги бор болага икки ёшга тўлгунча кулупнай бермаслик тавсия этилади. Албатта, ҳар нарсада меъёрни сақлаш лозим. Меъёридан ортиқ тановул қилинган кулупнай ҳам фойда эмас, зарар келтиради. У айниқса, ошқозон-ичак касалликлари — гастрит, ошқозон-яраси билан оғриган беморларга тааллуқли.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Халқ театрлари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ижодкор зиёдилари билан учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазаларни билдириб, "Театр санъати, адабиёт, маданиятни ривожлантириш халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир", деб таъкидлаган эди.

КАТТА САҲНАГА ЙЎЛ



Жорий йилнинг апрель ойида Маданият вазирлиги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрида ўтказган "Ҳаваскорлик халқ театри" республика фестивалининг асосий гояси ҳам театр санъати воситасида миллий қадриятларни ёзозлаш, уларга янги ҳаёт руҳи, жозоба бахш этиш, халқимизнинг маданий меросини тарғиб қилиш, ёшларни театр санъатига юксак ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат бўлди.

Фестиваль доирасида ўтказилган тадбирларда республикаликнинг барча ҳудудидан келган 13 ҳаваскор театр гуруҳининг 120 дан ортиқ иштирокчиси қатнашди.

— Мазкур фестиваль ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ҳаваскорлик халқ театрлари ижодий жамоалари фаолияти билан яқиндан танишиш, ўзаро

тажриба алмашиш имконини беради, — дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази бўлим бошлиғи, театршунос Эсонбой Уринов. — Шу билан бирга, ёш истеъодларни кашф этиш, уларнинг катта саҳнага чиқишига амалий кўмак беради. Қолаверса, юртимизда ижод қилаётган таниқли драматург, ёзувчи ва шоирларни соҳага кенг жалб қилиш орқали ҳаваскорлик халқ театри репертуари ҳар жиҳатдан мусаммак саҳна асарлари билан бойитилади. Жамоаларнинг ижодий салоҳиятини аниқлаш ва ривожлантириш, уларга ижодий-ташқилий кўмак беришда ҳам ушбу фестиваль муҳим аҳамиятга эга.

Намойиш этилган спектаклларда ватанпарварлик, оила масъулияти, ҳалоллик, меҳр-оқибат, садоқат, бунёдкорлик, муҳаббат, яхшилик сингари юксак фазилатлар

мадҳ этилди, пораҳўрлик, одам савдоси, гиёҳвандлик каби иллатлар қораланди. Фестиваль доирасида соҳа мутахассислари иштирокида "Халқ театрларининг ёшлар маданий ва маънавий ҳаётида тугган ўрни" мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

Саҳнага олиб чиқилган асарлар ва актёрларнинг ижро маҳоратини ҳакамлар баҳолаб борди. "Энг яхши спектакль", "Энг фаол театр жамоаси", "Энг яхши драматик асар", "Ёшлар мавзусининг энг яхши талқини", "Энг яхши тарбиявий гояни ўзида акс эттирган спектакль", "Бунёдкорлик мавзусининг энг яхши талқини", "Оилавий анъаналар мавзусидаги энг яхши спектакль", "Энг яхши режиссёрлик иши", "Энг фаол ёш ижрочи", "Энг яхши эпизодик рол ижрочиси" каби номинацияларда ғолиблар аниқланди. Улар республика маданий тадбирларига кенг жалб этиладиган бўлди.

Фестиваль якунида ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Нилуфар КАРИМОВА, Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази бош мутахассиси

МММда

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Жорий йилнинг 24-26 апрель кунлари Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан "Харакатлар стратегияси ва кучли ижтимоий субсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.



Бу ҳақда Миллий матбуот марказида халқаро конференция олдидан ташкил этилган брифингда хабар қилинди.

Тадбирда мазкур нуфузли халқаро анжумани ўтказиш гоясини Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси (ХКУК), Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг Умумеропа ҳудудий кенгаши, Халқаро иш берувчилар ташкилоти тўла қўллаб-қувватлагани, конференция ишида мазкур нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, дунё миқёсида обрў-эътиборга эга бўлган хорижий экспертлар ва олимлар иштирок этиши таъкидланди.

Халқаро конференцияни ўтказишдан мақсад — мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси асосида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш борасида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар ва уларнинг ижобий натижасини, республикамизнинг янги иқтисодий ва сиёсий қиёфасини халқаро ҳамжамиятга намойён этиш, халқаро тажрибани ўрганиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида давлат органлари, Касаба уюшмалари ташкилотлари, Савдо-саноат палатаси ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклини янада ривожлантириш истиқболла-

рини белгилаб олишдан иборат. — Мазкур халқаро конференция ижтимоий меҳнат масалаларини ҳал этиш билан шуғулланувчи анжуман иштирокчиларининг тақриф ва тажрибаларини конструктив муҳокама этиш учун халқаро майдон вазифасини ўтайди, — деди Касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Раҳматулиев. — Анжуманнинг айнан шу форматда ўтиши сўзсиз Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга очиклиги, мазкур йўналишда илгор халқаро ва хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишга тайёр эканлигини намойён қилди.

Тадбирда барча хорижий иштирокчиларнинг Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларига ташрифи режалаштирилганлиги қайд этилди. Хорижий экспертлар мазкур ҳудудларга ташриф чоғида соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, ижтимоий инфратузилма объектлари, аҳолининг кам таъминланган тоифалари учун қурилаётган арзон уй-жой мажмуалари, меҳнат жамоалари ва аҳоли хондонларида бўлади. Ушбу ижтимоий объектларда улар фуқаролар учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар, меҳнат жамоаларида ходимлар учун яратилган муносиб меҳнат шароитлари, давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг самарали ижтимоий шериклиги натижасида ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида эришилаётган ижобий натижалар билан танишади. Шунингдек, мазкур ҳудудлардаги тарихий обидаларга саёҳат қилиш ҳам режалаштирилган.

Нигора НИШОНБОЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг узун бўғоз Ҳинд океанининг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, Африка қитъасини Мадагаскар оролидан ажратиб туради. Унинг узунлиги қарийб 1 минг 760 километрни ташкил қилади.

ТУРФА ОЛАМ

СУЗАДИГАН ЁҒОЧ ОРОЛ



Австралиялик архитектор Маршалл Блечер Фокстрот дизайн студияси билан ҳамкорликда Копенгаген бандаргоҳида майдони 20 квадрат метрни ташкил қилувчи сузадиган ёғоч оролни яратди, дейилади "tjournal.ru" сайтида.

Битта дарахт экилган платформа қайиқчилар, сузувчилар учун дам олишга, қуёш ваннаси қабул қилиш, балиқ овлash ва кичик тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган. Лоийҳа муаллифлари сув устида тўққизта орол, шу жумладан, дайвинг-клуб, кичик саҳна, елканли кафе ва сауна яратиш лойиҳаларини ҳам ишлаб чиққан. Уларнинг ҳар бири қўлда йиғилади ва бир жойга бирлаштириш мумкин.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH logo and contact information.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Мухаммадjon ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВОВ. Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ. ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй. Газета таҳририят компьютер марказида териштириб ва сақланади. ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73. Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. "ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади. 2008 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Ғ 416, Адади — 7840. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. Навбатчи муҳаррир: Исроҳон ҚУЧҚОРОВ. Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА. Саҳифаловчи: Жапониддин УРИНОВ. Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru. Босишга топшириш вақти — 21.30. Ҳафтаси — 00.15. Топширилди — 00.55.